

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 334.74**

МАМИРОВ ДАВРОН РАХМОНОВИЧ

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230601-«Давлат молиясини бошқариш»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
проф. Каримов Ф.

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Давлат бюджети даромадларининг моҳияти ва аҳамияти.....	8
1.2. Давлат бюджети даромадларининг таркибий тузилиши ва таснифланиши.....	15
1.3. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда илғор хориж тажрибалари.....	25
I-боб бўйича хулоса.....	39
II БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	40
2.1. Давлат бюджети даромадларини прогностлаштириш ва режалаштириш амалиёти.....	40
2.2. Давлат бюджети даромадлари шакллантириш амалиёти таҳлили.....	50
II-боб бўйича хулоса.....	63
III БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	64
3.1. Бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқ сиёсатининг ролини ошириш масалалари	64
3.2. Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислохотлар.....	74
III-боб бўйича хулоса.....	78
ХУЛОСА.....	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Давлат бюджети мамлакат молиявий фаолиятини амалга оширишдаги асосий таркибий элемент бўлиб ҳисобланади. Давлат бюджети даромадлари эса давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажариши учун зарур бўлган молиявий манба сифатида шаклланади. Ҳозирги вақтда давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини камайтириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини таъминлаш, солиқ тушумлари ва солиқсиз даромадларни прогнозлаштириш методикасини янада такомиллаштириш, бюджет даромадларини барқарор бўлишини таъминлайдиган солиқ сиёсатини олиб бориш ва солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти ва солиқ сиёсатини вазифалари ҳақида алоҳида эътибор қаратган ҳолда куйидагича фикр билдирган эди: - «Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан - корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат»¹. Давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган фикрлари давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи бўлмиш солиқларнинг фискал ва рағбатлантирувчи хусусиятларини ифодалаб беради.

Маълумки, бюджет даромадларининг барқарорлиги давлат молиявий ҳолатининг мустаҳкамлигини билдириб, даромадларни прогнозлаштириш амалиёти аниқ тенденцияларга асосланганлигини кўрсатади. Бунда давлат ўзининг функцияларини ўз вақтида бажариш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.:Ўзбекистон. 1998

имкониятига эга бўлади ва бюджетдан молиялаштиришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Сўнгги ўн йилларда жамият давлатга, шу жумладан, у бажараётган функциялар сифатида янада талабчанлик билан ёндаша бошлади. Кўпгина мамлакатлар иқтисодийётида давлатнинг иштироки ва таъсири кучайиб бормоқда. Айни шу сабабли бундай таъсирнинг оқибатларига жамият томонидан баҳо бериш ва унинг мазмунини англаб етиш масалалари кўпгина мамлакатларни давлат тузилишини муҳим элементларидан бири - давлат молия тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари ва механизмаларига нисбатан ўз муносабатларини ўзгартиришга мажбур этди. Бундан ташқари, давом этаётган жаҳон молиявий инқирозининг кўпгина мамлакатлар иқтисодийётига салбий таъсири кучайиши бюджет - солиқ сиёсатининг имкониятларига комплекс баҳо бериш, ижтимоий ресурслардан самарали фойдаланиш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли келажакда уларнинг самарадорлигига эришиш мақсадида бюджет даромадларини прогнозлашнинг ошқоралик, барқарорлик ва унумдорлик принципларига асосланган, халқаро амалиётнинг энг сара андозаларига мос келадиган ишончли усуллари ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш вазифаларини хал қилишни талаб этади.

Мамлакатимизда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида сўнгги ўн йилликда бюджет ижросининг профицит билан бажарилишига эришилди. Жумладан, 2014 йилда Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,2 фоиз профицит билан бажарилганини таъкидлаш зарур².

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. «Ўзбекистон». Т.: 2015 й. 76 б.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджет даромадлари барқарорлигига эришиш, бевосита ва билвосита солиқ тушумлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, шу билан бирга, бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини ошириш ечимини кутаётган долзарб масалалар сифатида қаралади. Шундай экан, давлат бюджети даромадлари барқарорлиги таъминлаш масалаларини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар - Л.Гоньчаренко, Е.Евстигнеев, А.Исаев, М.Кулишер, Р.Кэмпбелл, А.Лаффер, К.Макконнел, Г.Менкью, У.Петти, А.Погорлецкий, Д.Рикардо, А.Смит, А.Соколов, С.Сутурин, Д.Тихонов, Д.Черник, Т.Юткин илмий ишларида чуқур тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Хайдаров, М.Алмардонов, Э.Гадоев, А.Жўраев, Ҳ.Собиров, Ш.Тошматов, Б.Тошмуродова, Қ.Яхъеевлар давлат бюджети даромадларининг моҳияти ва уларнинг барқарорлигини ошириш хусусида қатор илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Аммо, давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари алоҳида махсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланди:

– давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш;

– давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлаш ҳусусида таниқли иқтисодчи-олимлар томонидан билдирилган фикрларни қийосий таҳлил этиш ва умумлаштириш;

– Давлат бюджети даромадлари таркибини ёритиш;

– бюджет даромадларини шакллантириш юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

– давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

– давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора тадбирлар, иқтисодий ислохотлар ва бюджет солиқ сиёсати йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тадқиқот предметини ташкил этади.

Тадқиқот методлари: таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, таққослама иқтисодий ва статистик таҳлил, гуруҳлаш.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан келажакда республикада давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалаларини кенг кўламда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти диссертациянинг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан бюджет даромадларида солиқлар барқарорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда қўлланилиши билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат бюджети”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Давлат бюджети даромадларининг моҳияти ва аҳамияти

Бюджет даромадлари — бу давлат бюджет тизимнинг бюджетларига қонун ҳужжатларида белгиланган беғаразлик ва қайтариб бермаслик тартибида келиб тушадиган пул маблағлари.

Давлат даромадлари — бу яратилган миллий бойликнинг давлат эҳтиёжлари учун жалб этиладиган қисмидир. Давлат даромадлари кенг мазмунли тушунча бўлиб, ўз ичига бюджет даромадлари (миллий даромаднинг турли даражадаги бюджетларга жалб этилган қисми)ни ҳам, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари маблағларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет даромадлари давлат даромадларининг энг салмоқли қисмини ташкил этади. Давлат бюджети даромадлари таркибини, унинг вужудга келиш манбаларини, давлат бюджети даромадларини ҳосил қилиш билан боғлиқ молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини билиш катта амалий аҳамият касб этади ва мамлакатда қонунийлик муҳитини ҳамда режимини таъминлашда муҳим ўрин тутати.

Давлат ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажара олиши учун молиявий ресурсларга муҳтож бўлади ва шу сабабли мамлакат миллий даромадининг бир қисми пул ёки бошқа тўловлар тарзида унинг тасарруфига ажратилади. Натижада давлат ўз даромадларига эга бўлади. Бу маблағлар давлат ва маҳаллий органлар ихтиёрида бўлиб, тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасарруф этилади.

Давлат ўз маблағларини шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида, давлат, жамоат, хусусий мулкчилик шаклларидаги корхоналарда вужудга келтирилган даромадларни, шунингдек, фуқароларнинг меҳнат, тadbиркорлик ва бошқа даромадларининг муайян қисмини ўз тасарруфига олади, давлат даромадларини вужудга келтиришда молиявий тизимнинг барча бўғинлари фаол иштирок этади.

Ўз таркибига кўра давлат даромадлари – бу муайян тизимга бирлаштирилган айрим пул тўловлари ва бошқа тушумлардан иборат.

Давлат даромадлари турли давлат пул жамғармаларига, маҳаллий пул жамғармаларига (маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга) келиб тушади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 50-моддасига биноан Давлат бюджети даромадлари қуйидагилардан иборат:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қуйидаги даромадларни ўз таркибига олади (юқоридаги Кодекснинг 51-моддаси):

- 1) умумдавлат солиқлари, шу жумладан:
 - юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
 - ягона солиқ тўлови;
 - жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
 - қўшилган қиймат солиғи;
 - акциз солиғи;
 - ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 2) божхона божлари;
- 3) қўшимча фойда солиғи;

4) маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган маҳсулотдаги давлат улуши;


5) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадларга имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси тўланишидан тушган тушумлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари, компенсация тўловлари ва жарима санкциялари, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини, чет давлатларга берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Давлат даромадлари, маҳаллий даромадлар, уларнинг тизими, ҳуқуқий мақоми конституциявий қоидаларга асосланувчи қонунчилик актлари билан тартибга солинади. Давлат ва маҳаллий даромадларга оид ҳуқуқий база тубдан янгиланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва маҳаллий органларининг давлат молиявий ресурсларини яратиш, улар манбаларини белгилаш соҳасидаги ваколатлари махсус қонунлар билан белгиланади.

Қонунчиликка кўра давлат ва маҳаллий даромадлар тизими ягона ҳолда ифодаланади, чунки давлат ва маҳаллий даромадларнинг ҳуқуқий асослари мамлакат қонунчилиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида уч бўғинли Давлат бюджет даромадлари тизими: Республика бюджети даромадлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадлари ва маҳаллий вилоят (Тошкент шаҳар), туман, шаҳар бюджетлари даромадларини ўз ичига олади. Тегисшли бюджет даромадлари таркибида мақсадли бюджет жамғармалари даромадлари алоҳида ажратиб кўрсатилади.



1.1.1-расм. Бюджет даромадлари³

Пул маблағи республика ёки бошқа маҳаллий бюджетга тўланган деб ҳисобланиши учун тегисшли банк томонидан бюджетни ижро қилувчи орган ҳисобига ўтказилган бўлиши лозим.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегисшинча Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади

³ Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент. 2007 й.



1.1.2-расм. Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнининг принциплари⁴

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, бюджет ташкилотларининг чет эл

⁴ Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Бюджет даромадлари ва харажатлари (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент. 2007 й.

валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади.

Давлат бюджетининг бош моддий манбаи миллий даромад ҳисобланади. Башарти, давлатнинг молиявий эҳтиёжларини қоплаш учун миллий даромаддан ажратилаётган маблағлар етмаса, у ҳолда бу эҳтиёжлар учун миллий бойликлар (аввалги авлодлар меҳнати билан яратилган бойликлар, табиий ресурслар, ички ва ташқи қарзлар) жалб этилади.

Мамлакатда яратилган миллий даромаднинг муайян қисмини давлат мулкига айлантириш давлат томонидан турли усулларда, асосан солиқлар солиш, давлат кредитини йўлга қўйиш, пул эмиссияси орқали амалга оширилади. Ушбу усуллар ўртасидаги нисбат давлат режимида, мамлакатдаги иқтисодий аҳволга давлат молиявий сиёсатида ва бошқа объектив ҳамда субъектив омилларга боғлиқ бўлади.

Миллий даромадни қайта тақсимлаш ва ундан давлат улушини ажратиб олишнинг асосий усули – солиқлар саналади.

Ўз аҳамияти жиҳатидан солиқлардан кейинги ўринда турадиган бюджет даромади манбаларидан бири – давлат қарзларидир. Йирик ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қутилмаган харажатлар юзага келиши туфайли давлат ушбу усулни қўллайди. Давлат қарзлари икки йўл билан олиниши мумкин. Улар:

- давлат номидан қимматли қоғозлар чиқариш орқали жисмоний ва юридик шахслардан қарз олиниши;

- Марказий банк ва бошқа кредит муассасалари кредитининг жалб этилиши, кредит операциялари сонининг ўсиши давлат қарзларининг ортишига, солиқларнинг кўпайишига, фуқароларга ва юридик шахсларга қўшимча молиявий мажбуриятлар юклатилишига олиб келади.

Фавқулудда ҳолларда, агар солиқларни ошириш ва давлат қарзлари йўли билан иқтисодий молиявий тангликни ҳал этиш имкони бўлмаса, у ҳолда давлат қоғоз пул чиқариш – пул эмиссияси орқали муаммони ҳал этишга уринади.

Товар-моддий бойликлар билан таъминланмаган ҳолда пул эмиссиясининг авж олдирилиши эса пулнинг қадрсизланиши, гиперинфляция жараёнларининг кучайишига олиб келади. Бунинг табиий оқибати сифатида халқ турмуш даражаси кескин пасаяди, қашшоқлашиш оммавий тус олади. Бундай ҳолатлар собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўпгина мустақил республикаларда кузатилди. Айримларида бундай қашшоқлашув ҳозир ҳам давом этмоқда. Тоталитар ва авторитар сиёсий режимга амал қилувчи давлатларда эса маъмурий-бўйруқбозлик усулига асосланган кам самарали бошқарув усули салбий оқибатларини халқдан яшириш мақсадида пул эмиссиясига зўр берилади, шу орқали сохта «фаровонлик» манзараларини яратишга ҳаракат қилинади.

Бюджет даромадлари турли белгиларига кўра гуруҳларга ажратилиши мумкин. Манбаларига кўра у солиқлар, давлат қарзлари, давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар каби турларга бўлинади. Бюджетга жалб этиш усулига кўра – солиқлар ва носолиқ тўловларга ва бошқаларга бўлинади.

Солиқ тўловлари қаторига Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида назарда тутилган Республика ва маҳаллий солиқлар, пеня ва жарималар киради.

Носолиқ тўловлар жумласига эса:

- давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги мулклардан олинадиган даромадлар;
- давлат ва маҳаллий органлар ихтиёридаги мол-мулкларнинг сотилишидан тушган даромадлар;
- давлат ҳокимияти, маҳаллий органлар бюджет ташкилотлари кўрсатадиган пуллик хизматлардан тушган тушумлар;
- қонунларни бузган шахсларга давлат томонидан фуқаролик – ҳуқуқий маъмурий ва жиноий таъсир чоралари қўлланилиши оқибатида қўлга киритилган даромадлар;

Ўз манбалари бўйича Республика бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлари шаклланиши усуллари фарқ қилади.

1.2. Давлат бюджети даромадларининг таркибий тузилиши ва таснифланиши

Бюджет даромадлари солиқ ва солиқсиз даромадлардан иборат бўлиб, шунингдек уларга беғараз пул ўтказмалари ҳам киради.

Солиқ – бу (давлат, маҳаллий) бюджетга мажбурий бадал бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Солиқлар, ўз моддий мазмунига кўра, миллий даромаднинг хўжалик субъектларидан ва аҳолидан умумдавлат эҳтиёжлари учун ундириладиган қисмидир.


Солиқли даромадларнинг асосий манбаси янгидан яратилган қиймат ва уни бирламчи тақсимлаш натижасида олинган даромадлар (фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ссуда фоизи, рента, дивидендлар ва бошқалар), шунингдек жамғармалардир.

Солиқлар қуйидаги белгиларга қараб таснифланиши мумкин:

- ҳокимият органларининг ваколат даражасига кўра (давлат, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар / федерал, федерация субъектлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар);
- зиммага юкланишига кўра (тўғри ва эгри солиқлар);
- тўланиш манбасига кўра (товар нархининг ошиши, маҳсулот таннархининг ошиши, молиявий натижалар, соф фойдага нисбатан солиқлар);
- ундирилиш даврийлигига кўра (мунтазам ва номунтазам солиқлар);
- солиқ солиш объектига кўра (даромад, капитал, ер, хўжалик обороти, алоҳида товарлар);

- солиқ тўловчиларга кўра (жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, шунингдек аралаш – жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар);
- бошқа солиқлар.

Бюджетнинг солиқсиз даромадлари асосан давлатнинг иқтисодий фаолияти ва бюджет тизимининг турли даражаларида олинган даромадлар қайта тақсимланиши натижасида пайдо бўлади. Кўпгина солиқсиз даромадлар доимий фискал хусусиятга эга эмас ва уларнинг қатъий белгиланган ставкаси йўқ.



1.2.1-расм. Бюджет даромадлари манбаларининг таснифи⁵

Бюджетнинг солиқсиз даромадлари қуйидаги белгиларга кўра таснифланади:

- ҳудудий белги, бюджетнинг белгиланган даражасига ўтказиш;
- жалб қилиш ва шакллантириш (мажбурий ва ихтиёрий);

⁵ Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент. 2007 й.

– солиқсиз тушумларни шакллантирувчи, тўловларни ундириш учун асос яратиш (давлат мулкани сотишдан келиб чиққан даромад).

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар бюджетининг даромадларида солиқлар устувор ўринга эгадир. Ҳозир дунёда солиқлар бюджет тушумларининг 80-90 фоизни ташкил этади ва Ўзбекистонда ҳам бундан истисно Ўзбекистонда солиқ деганда, Солиқ кодексига мувофиқ, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади. Бошқа мажбурий тўловлар деганда, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан тўловчиларга нисбатан юридик аҳамиятга молик фаолиятни амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади⁶.

Ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан солиқ тўловчилар ва солиқларнинг элементлари белгиланади.

Солиқ солиш объекти солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, фаолият натижасидир.

Солиқ солинадиган база солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкасига татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

Ставка солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 12-модда.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар Солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.

Солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якунлари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади.

Қонунчиликда назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари икки қисмдан иборат: давлат мақсадли жамғармалари ҳисобга олинмаган даромадлар ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари. Булар қуйидаги умумбелгиланган солиқлардан иборат⁷:

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 23-модда.

3. Қўшилган қиймат солиғи;
4. Акциз солиғи;
5. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7. Мол-мулк солиғи;
8. Ер солиғи;
9. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
10. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;
11. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўлов);
12. Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
13. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар);
14. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар (Республика йўл
15. Жамғармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамғармасига йиғимлар);
16. Давлат божи;
17. Божхона тўловлари;
18. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги
19. Хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Ўзбекистонда корхоналарнинг алоҳида тоифалари учун солиқ солишнинг махсус тартиби белгиланган бўлиб, улар солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг

айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Соддалаштирилган тартибда тўланадиган солиқларга қуйидагилар киради:

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қуйидагиларга нисбатан қўлланилади: микрофирмалар ва кичик корхоналар; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари; тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар.

Бюджетнинг солиқли даромадлари таркиби мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ умумдават солиқлари ва йиғимлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, божхона божлари, бож йиғимлари ва бошқа бож тўловлари, давлат божи, пеня ва жарималардан иборат.

Носолиқли даромадлар таркибига қуйидагилар киради:

- давлат мулкани фойдаланишдан олинган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатилган ҳақли (тўловли) хизматлардан келган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- фуқаролик-ҳукукий, маъмурий ва жиной чораларни қўллаш натижасида олинган маблағлар, жумладан, жарималар, конфискациялар, компенсациялар ва давлат субъектларига етказилган зарарларни тиклаш бўйича олинган маблағлар ва мажбурий ундирилган бошқа маблағлар;

- молиявий ёрдам кўринишидаги даромадлар (бюджет ссудалари ва бюджет кредитларидан ташқари);
- бошқа солиқсиз даромадлар.

Бюджет даромадларининг таркибига тушумларнинг қуйидаги кўринишлари ҳисобга олиниши мумкин:

- давлат мулкани вақтинчалик фойдаланишга бериш натижасида ижара ҳақи ёки бошқа кўринишда олинadиган маблағлар;
- кредит муассасаларидаги ҳисоб варақларида бюджет маблағларининг қолдиғи бўйича фоизлар кўринишида олинadиган маблағлар;
- давлат мулкига тегишли бўлган мол-мулкни гаровга ёки ишончли бошқарувга беришдан олинadиган маблағлар;
- қайтариш ва ҳақ олиш асосида бошқа бюджетларга, хорижий давлатларга ёки бошқа юридик шахсларга берилган бюджет маблағларидан фойдаланганлик учун ҳақ;
- давлатга қисман тегишли бўлган хўжалик жамиятлари устав капиталининг ҳиссасига ёки акциялар бўйича дивидентларга тўғри келадиган фойда кўринишидаги даромадлар;
- давлат унитар корхоналари фойдасининг бир қисми (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- давлатга тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинadиган қонунчиликда кўзда тутилган бошқа даромадлар.

Бюджет даромадлар қисмини тўлдиришнинг манбаларидан бири бюджет тизимида бошқа даражада турган бюджетдан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар ёки маблағларни қайтарилмаслик ва тикламасликнинг бошқа шаклларида олинadиган молиявий ёрдамдир. Бундай молиявий ёрдамлар маблағларни олувчи бюджетнинг даромадларида ўз ифодасини топиши керак. Жисмоний ва юридик шахслардан, халқаро

ташкilotлар ва хорижий давлатлар ҳукуматларидан қайтарилмайдиган ёки тикланмайдиган шаклда ўтказилаётган маблағлар ҳам бюджетнинг шундай даромадлари таркибига киради.

Ҳозирги амалиётда давлат бюджетининг даромадлари қуйидаги тартибда классификация қилинапти:

1. Тўғри (бевосита) солиқлар. Уларнинг таркибига юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар; ягона солиқ тўловидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар билан биргаликда) Давлат бюджетига ажратмалар; жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий солиқ киради;

2. Эгри (билвосита) солиқлар. Бу солиқларнинг таркиби қўшилган қиймат солиғи; акцизлар; божхона бождари; жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови; транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқдан иборат;

3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи. Бу гуруҳга кирувчи солиқлар ва тўловлар мол-мулк солиғи; ер солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ўз ичига олади;

4. Устама фойдадан олинадиган солиқ;

5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривож-лантириш учун солиқ;

6. Бошқа даромадлар.

Шунингдек, юридик нуқтаи-назардан, бюджет даромадлари уч гуруҳга ажратилиши мумкин:

- давлат бюджети даромадлари;

- республика бюджети даромадлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари.

Давлат бюджети даромадларига қуйидагилар киритилади:

- қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қуйидаги даромадларни ўз таркибига олади (юқоридаги қонуннинг 15-моддаси):

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

- резидент-юримдик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Ва ниҳоят, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилиши мумкин:

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдават солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

- юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Ўзининг ижтимоий-иқтисодий белгисига кўра бюджет даромадлари икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган даромадлар;
- аҳолидан тушумлар.

Мулкчилик шаклига кўра бюджет даромадлари қуйидаги кўринишларни олиши мумкин:

- нодавлат сектордан олинадиган даромадлар;
- давлат хўжаликларидан олинадиган даромадлар;
- аҳолидан олинадиган маблағлар.

Бюджет даромадларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бир гуруҳлари даромадларнинг манбалари, тўловларнинг турлари ва ҳоказолар бўйича кичик гуруҳларга бўлиниши ҳам мумкин. Масалан, давлат хўжаликларидан олинадиган даромадларга давлат корхона ва ташкилотларининг тўловлари, давлат мулкани сотишдан олинадиган даромадлар, давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадлар кирази. Аҳолидан бюджетга келиб тушадиган маблағлар эса солиқлар ва бошқа ихтиёрий тўловлардан иборат бўлиши мумкин.

1.3. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда илғор хориж тажрибалари

Жаҳон солиқ амалиётининг тажрибаларини ўрганиш натижалари шунки кўрсатадики, ривожланган хорижий давлатларда, биринчи навбатда, “қучли еттилик” деб аталмиш мамлакатларда давлат бюджети даромадларининг 70-90 фоиздан ортиқ қисми солиқ тушумларидан иборатдир.

Биз ушбу параграфда ривожланган илғор мамлакатларнинг давлат бюджети даромадларини шаклланиш амалиётини таҳлил қиламиз.

Маълумки, ривожланган мамлакатлар ичида иқтисодий салоҳияти жиҳатидан биринчи ўринни АҚШ эгаллайди. АҚШ ялпи ички маҳсулотининг миқдори 10 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади. Иқтисодий салоҳияти жиҳатидан иккинчи ўринни Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар

гуруҳи эгаллайди. Уларнинг ялпи ички маҳсулоти 8,5 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади.

АҚШда давлат бюджети даромадларининг 70 фоиздан ортиқ қисмини солиқлар ташкил қилади. Шуниси характерлики, солиқ тушумлари ичида аҳолидан олинадиган даромад солиғи асосий ўринни эгаллайди. Унинг АҚШ федерал бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 44 фоизга яқинни ташкил қилади. Мазкур солиқ жисмоний шахслардан ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган индивидуал корхоналардан олинади. Солиққа тортишнинг субъекти бўлиб, алоҳида шахс ёки оила ҳисобланади.

Шуниси характерлики, АҚШда даромад солиғини аниқлаш муҳим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу хусусият алоҳида солиқ тўловчилар бўйича табақалашган стандарт чегирмалар мавжудлиги ҳисобланади. Мазкур чегирма бошқа ривожланган илғор мамлакатларнинг бюджет амалиётида мавжуд эмас. Табақаланган стандарт чегирмани қўллаш тартиби қуйидагича:

- ёлғиз фуқаролар учун – 4150 доллар;
- боқимандаси бўлган оила бошлиқлари учун – 6050 доллар;
- эр-хотиндан иборат оила учун – 6150 доллар.

Кекса ва кўзи ожиз фуқаролар 800 доллардан 2000 долларгача бўлган миқдорда қўшимча чегирмалар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, стандарт чегирмалар фақат даромад даражаси паст бўлган фуқаролар учун қулай ҳисобланади. Бу эса, фуқароларнинг мазкур тоифасини ижтимоий жиҳатдан химоя қилишда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида шакллантирилган ижтимоий характердаги бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири аҳолининг кам таъминланган қатламларини химоя қилиш ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, АҚШ амалиётида қўлланилаётган стандарт чегирмаларни республикамиз шароитида қўллаш масаласини илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

АҚШ солиқ амалиётида аҳолининг ўртаҳол ва бадавлат қатламларига нисбатан даромад солиғининг алоҳида чегирмалари қўлланилади. Бу чегирмалар даромаддан маҳаллий солиқларни, кўчмас ва шахсий мулкларни, автомашина ёки кўчмас мулкни сотиб олиш мақсадида берилган ссудалар бўйича фоизларни, таълим харажатларини, нафақа бадалларини, медицина харажатларининг айрим турларини ва бошқа шу каби харажатларни чегириб ташлашни кўзда тутди. Амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ўтган асрнинг 90-йиллар охирига келиб йилига 15000 долларгача даромад оладиган АҚШ фуқароси ҳақиқатда олинган даромадларнинг 11 фоиздан ортиқ қисмидан солиқ тўлайдилар. Йилига 15000 доллардан 30000 долларгача даромад оладиган фуқаролар олинган даромадларнинг 50 фоиздан ортиқ қисмидан, йилига 30000 доллардан ортиқ даромад оладиган фуқаролар олинган даромадларнинг 75 фоиздан ортиқ қисмидан солиқ тўлайдилар.

АҚШда ёлғиз фуқаролардан олинадиган даромад солиғига нисбатан прогрессив ставкалар қўлланилади. Прогрессив солиқ ставкалари фуқароларнинг даромадини ўсишига боғлиқ равишда ошиб боради.

Шуниси характерлики, биринчидан, АҚШда фуқаролардан олинадиган даромад солиғининг ставкалари штатлар ва муниципалитетлар миқёсида табақалаштирилган ва ставкалар 0 фоиздан 26 фоизгача бўлган даражани ташкил этади; иккинчидан, айрим АҚШ штатларида (Пенсильвания, Индиана штатлари) мутаносиб солиқ ставкалари ҳам қўлланилади; учинчидан, АҚШда фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг сони ва даражасини пасайтириш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 1986 йилга қадар АҚШда фуқаролардан олинадиган даромад солиғининг 14 та ставкаси мавжуд эди ва уларнинг максимал даражаси 50 фоизни ташкил қилар эди.

Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, АҚШ Федерал бюджетида фуқаролардан олинадиган даромад солиғини энг юқори салмоқни эгаллашининг бирламчи сабаби аҳолининг турмуш даражасини ва бинобарин

даромад даражасининг юқори эканлиги ҳисобланади. Ҳозирги вақтда АҚШда ҳар бир фуқарога тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдори 36200 АҚШ доллари ташкил этади.

АҚШда фуқаролардан олинадиган даромад солиғининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, АҚШ резидентлари даромадларининг умумий суммасидан солиқ тўласалар, норезидентлар фақат АҚШ ҳудудида олган даромадларидан солиқ тўлайдилар. АҚШда мамлакатда 6 ой ва ундан ортиқ муддат яшаётган фуқаролар резидентлар ҳисобланади.

АҚШ Федерал бюджети даромадининг умумий ҳажмида салмоғига кўра иккинчи ўринни ижтимоий суғуртага қилинган ажратмалар эгаллайди. Ижтимоий суғуртага қилинган ажратмалар иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасида тенг тақсимланади. Бадалларнинг ставкалари ҳар йили бюджетни шакллантириш жараёнида тасдиқланади. XX асрнинг 90-йилларида умумий ставка иш ҳақи фондининг 15,02 фоизини ташкил қилар эди. Бунда иш берувчи ва ишчи (ҳодим) 7,51 фоиздан бадал тўлар эдилар. Шуниси аҳамиятли эдики, мазкур тартибда иш ҳақи фондининг фақатгина дастлабки 48,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги қисми ижтимоий суғурта бадалига тортилар эди. 2000 йилдан бошлаб ижтимоий суғурта ставкалари 6,2 фоиз қилиб белгиланди, бунда солиқнинг максимал ставкаси 76,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги қисмига белгиланди. Янги ижтимоий суғурта ажратмаларининг амалдаги тартибига мувофиқ, иш берувчилар юқорида қайд этилган ажратмалардан ташқари иш ҳақи фондининг дастлабки 7000 АҚШ доллари миқдоридаги қисмидан 6,2 фоизли ставкада ишсизлик бўйича ҳам солиқ тўлайдилар.

АҚШ Федерал бюджети даромадларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра учинчи ўринни корпорацияларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тушумлари эгаллайди.

Корпорацияларнинг даромадидан олинадиган солиқ кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) корхоналарини молиявий рағбатлантириш вазифасини ўтайди.

Чунки, даромад ҳажмининг ўсиб бориши билан солиқ ставкалари ҳам ошиб боради. Масалан, 50000 долларгача даромад оладиган корпорациялар энг паст ставкада солиқ тўлайдилар. Солиқ ставкалари 100000 дан 335000 АҚШ долларигача бўлган даромад учун муттасил ошиб боради. Бу эса кичик бизнес корхоналари учун ўзига хос солиқ имтиёзи вазифасини ўтайди. Йирик корпорациялар эса 18333333 доллардан ортиқ даромадларидан 35 фоизли ставкада солиқ тўлайдилар. Бу эса жуда юқори ставка бўлиб, максимал ставкадан атиги 4 бандга пастдир. Йирик корпорациялар эса, одатда даромадлилиқ даражаси 100 000 000 ва ундан юқори бўлган хўжалик субъектлари ҳисобланади.

АҚШда корпорациялар даромадидан олинадиган солиқни қўллашга хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, бу ерда дивидендлар солиққа тортиш базасидан чегириб ташланмайди. Аммо, дивидендларга нисбатан сезиларли даражада солиқ имтиёзлари қўлланилади. Масалан, корпорациялар учун солиқ имтиёзлари уларнинг акционерлик капиталидаги салмоғидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Хусусан, корпорациянинг бошқа корпорация акционерлик капиталидаги салмоғи 80 фоиз ва ундан ортиқ бўлса у ҳолда корпорация оладиган дивиденд 100 фоиз солиққа тортиш базасидан чегириб ташланади. Агар бу кўрсаткич 20 фоиз ва ундан ортиқ бўлса дивидендларнинг 80 фоизи, қолган барча ҳолатларда дивидендларнинг 70 фоизи солиққа тортиш базасидан чегириб ташланади.

АҚШда корпорацияларнинг даромадларидан олинадиган солиқ базасини ҳисоблашда амортизация ажратмалари, кредит бўйича фоиз тўловлари, фуқароларга тўланган даромад солиқлари, мол-мулк солиғи, хайр-эҳсон мақсадларга ажратилган маблағлар, суғурта тўловлари билан таъминланмаган йўқотиш суммалари ва умидсиз қарзлар чегириб ташланади.

Шуниси характерлики, АҚШда корпорацияларнинг юқори фойдасидан ҳам солиқ олинади. Мазкур солиқ бўйича солиқ базаси амалдаги қонунчиликка кўра солиққа тортишнинг имтиёзли шартлари белгиланган

даромадлар мажмуини ўз ичига олади. Бунда солиққа тортилмайдиган даромад суммаси 40 000 АҚШ долларини ташкил қилади, даромад суммаси 40 000 олларга етиши билан амалдаги ставка 20 фоизга тушади. Ўзбекистон Республикасида ҳам солиққа тортишнинг имтиёзли шароитларига эга бўлган корхоналар мавжуд, масалан, нефть ва газ саноатига қарашли бир қатор корхоналарни бунга мисол қилиш мумкин. Шунинг учун мазкур корхоналарга нисбатан юқори фойдадан олинadиган солиқларни қўллаш масаласини илмий асосда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

АҚШ Федерал бюджети даромадларининг умумий ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи юқори эмас. АҚШ қўшилган қиймат солиғи мавжуд бўлмаган кам сонли мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда қўшилган қиймат солиғининг ўрнига сотишдан олинadиган солиқ қўлланилади. Унинг ставкаси 4 фоиздан 8,5 фоизгачани ташкил этади.

Акциз солиқлари спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига, транспорт хизматларига нисбатан ўрнатилган бўлиб, уларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи сезиларсиздир.

Мамлакатларнинг давлат тузилишига боғлиқ равишда бюджет даромадлари қуйидагича фарқланади:


марказий (давлат) бюджет(и) даромадлари;

унитар (ягона) давлатлардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари.

Федератив (иттифоқчилик) тузилиш(и)га эга бўлган давлатларда бюджет даромадларининг бу икки кўриниши федерация аъзолари бюджетларининг даромадлари билан тўлдирилади.

Бюджет даромадлари давлатнинг даромадларига нисбатан торроқ бўлган тушунчадир. Чунки давлат даромадлари ҳокимият барча даражалари бюджетларининг молиявий маблағлари билан биргаликда яна ўзининг таркибига давлат нобюджет фондлари ва барча давлат секторига тегишли бўлган бошқа ресурсларни ҳам қамраб олади.

Бюджет даромадларининг асосий моддий манбаи миллий даромаддир. Агар давлатнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш учун миллий даромад етарли бўлмаса, давлат бундай эҳтиёжни қондиришга миллий бойликни жалб этиши мумкин. Бу ерда миллий бойлик дейилганда маълум бир даврда жамиятнинг ихтиёрида бўлган, ҳозирги ва ўтган авлоднинг меҳнатлари эвазига яратилган моддий неъматлар ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган табиий ресурслар мажмуи назарда тутилаяпти.



1.3.1-расм. Давлат тузилишига мувофиқ бюджет даромадлари таснифи⁸

Ривожланган илғор мамлакатларда давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ўзига хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, уларнинг деярли барчасида аҳолидан олинадиган даромад солиғи солиқ тушумларининг сезиларли қисмини ташкил этади. Масалан, Германияда давлат бюджетининг даромад қисмида аҳолидан олинадиган даромад солиғининг салмоғи 30 фоизни, Буюк Британияда 64 фоизгачани, Францияда

⁸ Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент. 2007 й.

эса 15 фоизни ташкил қилади. Аҳолидан олинадиган даромад солиғининг сезиларли даражада юқори салмоққа эга эканлиги, бизнинг фикримизча, мазкур мамлакатлар аҳолисининг номинал даромадлари ҳажмининг узлуксиз ўсиб бораётганлиги ва солиқ ставкаларини прогрессив эканлиги билан изоҳланади. Айни вақтда, ривожланган хорижий мамлакатларда корпорацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқнинг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Чунончи, иккинчи жаҳон уруши арафасида мазкур солиқ бўйича олинган тушум суммаси АҚШ Федерал бюджетига жами солиқ тушумларининг 50 фоизга яқин қисмини ташкил қилар эди. 1955 йилга келиб бу кўрсаткич 30 фоизни, 1975 йилда 15 фоизни, 1998 йилда эса 12 фоизни ташкил қилди. Мазкур солиқнинг давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги аҳамиятини пасайиб бориши, асосан, ушбу солиқ турига нисбатан солиқ имтиёзларини доимий равишда қўлланилаётганлиги ва солиқ ставкаларини пасайтириб бораётганлигининг оқибатидир. Хусусан, АҚШда мана шу сабабларга кўра хўжалик субъектлари ялпи даромадининг 50 фоизга яқин қисми, Буюк Британияда эса учдан икки қисми солиққа тортиш базасидан чегириб ташланади.

Шуниси характерлики, ривожланган мамлакатларда солиқ тушумлари суммасини муттасил ўсиб бораётганлигига қарамасдан давлат бюджети дефицити сурункали ҳолатга айланиб қолди. Бу эса, ўз навбатида, давлат бюджети дефицитини қоплашнинг ноинфляцион манбаи бўлган – ҳукуматнинг қимматли қоғозларини эмиссия қилиш ва сотиш ҳажмини юқори даражада ўсишига олиб келди. Биргина АҚШда ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиш натижасида юзага келган давлат қарзи 5.5 трлн. АҚШ долларида ошиб кетди. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 300 млрд. фунт стерлингдан ортиқ суммани ташкил қилса, Германия ва Францияда мос равишда 796 млрд. маркани ва 3898 млрд. франкни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда давлат қарзини кескин кўпайиши ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиш натижасида олинган тушумларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги аҳамиятини оширишига сабаб бўлди.

Ривожланган хорижий мамлакатлар давлат бюджети даромадлари ҳажмида эгри солиқлар ҳам муҳим ўрин тутди, ҳозирги вақтда мазкур мамлакатларда эгри солиқларнинг, асосан 3 тури кенг қўлланилмоқда: акцизлар, бож солиқлари ва фискал монополь солиқлар.

Шуниси характерлики, эгри солиқларнинг бюджет даромадлари ҳажмидаги салмоғи мамлакатларда бир-биридан сезиларли даражада фарк қилади. Масалан, Францияда давлат бюджети даромадларининг 45 фоизга яқин қисми қўшилган қиймат солиғидан келадиган тушумлар суммасига тўғри келади. Бу кўрсаткич Буюк Британия ва Италияда 20 фоизга яқин миқдорни ташкил қилади.

Эгри солиқлар ичида қўшилган қиймат солиғи юқори салмоқни эгаллайди. Мазкур солиқ Европа иттифоқига аъзо бўлган барча мамлакатларда мавжуддир. Мазкур солиқ етакчи илғор мамлакатлардан фақат АҚШ ва Японияда қўлланилмайди.

Бож солиқлари эгри солиқларнинг учинчи асосий турини ташкил қилади ва улар товарларни экспорт ва импорт қилишда олинади. Бож солиқлари товарларнинг баҳосига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли бож солиқларини сезиларли даражада оширилиши товарларни жаҳон бозоридаги баҳосининг ошишига олиб келади. Натижада уларни сотиш қийинлашади ва мамлакатнинг экспорт тушуми камаяди. Халқаро амалиётдан маълумки экспорт тушумларини сурункали тарзда камайиши экспортга йўналтирилган корхоналарнинг молиявий аҳволини кескин ёмонлашувига олиб келади. Бу эса, пировард натижада, уларнинг солиқ базасига салбий таъсир қилади ва бунинг оқибатида солиқ тушумлари камаяди. Демак, бож солиғи юридик

шахсларнинг солиққа тортиш базасига бевосита таъсир қиладиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Бир мамлакат ҳукумати томонидан иккинчи бир мамлакатдан импорт қилинаётган товарларга нисбатан бож солиқларининг жорий қилиниши, албатта, экспортёр мамлакати томонидан жавоб чораларини кўрилишига олиб келади. Яъни, бу мамлакат ҳам биринчи мамлакатда импорт қилинаётган товарларга нисбатан бож солиқларининг салмоғи пасайиб боради. Ҳозирги вақтда мазкур мамлакатлар давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида бож солиқларининг салмоғи бир фоиздан тўрт фоизгача бўлган миқдорни ташкил қилади.

Ривожланган илғор мамлакатларда фискал монопол солиқлардан давлат бюджетининг даромадлари сифатида фойдаланилади. Бу солиқлар давлат монополияси мавжуд бўлган соҳаларга мансуб корхоналардан ундирилади. Мазкур солиқлар Франция, Италия, Германия ва Японияда доимий равишда ундирилади. Улар Буюк Британияда мавжуд эмас.

Кучли еттиликка аъзо бўлган ривожланган мамлакатлардан бири Канада ҳисобланади. Канадада солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг 90 фоиздан ортиқ қисмини ташкил қилади. Шунинг 45 фоиздан ортиқ қисми аҳолидан олинадиган даромад солиғи ҳиссасига тўғри келади.

Канада давлат бюджети даромадларининг таркибида, салмоғига кўра, аҳолидан олинадиган даромад солиғидан кейинги ўринларни корпорациялардан олинадиган солиқ, ижтимоий суғурта фондига ўтказиладиган бадаллар ва акцизлар эгаллайди. Халқаро валюта фонди (ХВФ) ҳамда Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан Шарқий Европа мамлакатлари молиявий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётган мамлакатлар сифатида эътироф этилган. Шу боисдан ҳам биз Шарқий Европадаги бир қатор давлатларнинг бюджет амалиётига хос бўлган ижобий жиҳатларни кўриб чиқамиз.

Шарқий Европа мамлакатлари давлат бюджети даромадларининг 90 фоизига яқин қисми солиқлар ҳисобига шаклланади. Шуниси характерики, Болгария, Венгрия, Польша ва Чехияда ижтимоий суғурта фондига тўланадиган бадаллар давлат бюджетининг асосий даромад манбаи ҳисобланмайди.

Ҳозирги вақтда Шарқий Европа мамлакатларининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришга хос бўлган асосий хусусиятлар куйидагилардан иборат:

1) Давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида эгри солиқлар юқори салмоқни эгаллайди. Бу юқори салмоқ, қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар ҳисобига таъминланади.

Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғидан олинладиган тушумларнинг давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғи Болгарияда 55,5 фоизни, Венгрияда – 44,7 фоизни, Польшада – 60,2 фоиз, Чехияда – 35,7 фоизни ташкил қилади.

Мазкур мамлакатларнинг солиқ амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, биринчидан, уларда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларининг ставкалари юқори; иккинчидан, эгри солиқларга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг тури жуда кам. Масалан, Венгрияда қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 25 фоиз бўлиб, имтиёзли солиқ ставкаси 12 фоизни ташкил этади. Польшада бу кўрсаткич мос равишда 22 фоиз ва 7 фоиз, Чехияда 22 фоиз ва 5 фоиз.

2) Шарқий Европа мамлакатлари давлат бюджетларининг даромад қисмида аҳолидан олинладиган даромад солиғининг салмоғини ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса, асосан, даромад солиғи ставкаларининг юқори эканлиги билан изоҳланади. Масалан, Болгария ва Венгрияда аҳолидан олинладиган даромад солиғи ставкаси 20 фоизни, Чехияда 15 фоизни ташкил этади.

3) Давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ тушумларининг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўляпти. Бу ҳолатнинг асосий сабаби, солиқ ставкаларини доимий равишда тушириб борилаётганлигидир. Масалан, Польшада 1998 йилда юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқнинг ставкаси 36 фоиз бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 22 фоизни ташкил қилади. Венгрияда мазкур солиқнинг ставкаси 18 фоизни, Болгарияда эса 15 фоизни ташкил этади.

Шарқий Европа мамлакатларида давлат бюджети харажатларини доимий равишда ошириб бориш зарурияти бюджет даромадларининг етишмовчилигини юзага келтиради. Мазкур ҳолат ўтиш давридаги иқтисодий кийинчиликлар, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришнинг зарурлиги каби омиллар билан изоҳланади.

Шарқий Европа давлатларида, юқорида қайд этилган сабаблар туфайли, давлат бюджети дефицити муаммосини юзага келиши ҳукуматнинг қимматли қоғозларини эмиссия қилиш ва сотиш йўли билан давлат бюджети даромадларини кўпайтириш заруриятини юзага келтирди. Хусусан, 1996 йилдан бошлаб Чехия давлат бюджетининг дефицити юзага келди ва у 1999 йилдан бошлаб бюджет харажатларини 5 фоиздан ортиқ қисмини ташкил эта бошлади. Бунинг натижасида, Чехия ҳукумати ўзининг қимматли қоғозларини сотиш ҳажмини ошириш йўли билан давлат бюджети даромадларини кўпайтиришга мажбур бўлди. 2000 йилга келиб, мазкур даромад манбаи бюджет даромадларининг 34,4 фоизини ташкил қилди. Венгрияда ҳам давлат қарзи муаммосининг чуқурлашувини кузатиш мумкин. Хусусан, 1995 йилда давлат қарзини тўлаш билан боғлиқ харажатлар бюджет жами даромадларининг 29,1 фоизини олиб кетди, 1998 йилда бу кўрсаткич 26,2 фоизни, 2000 йилда эса 21,2 фоизни ташкил қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқий Европа мамлакатларининг кўпчилигида давлат бюджети харажатларини қоплаш учун жалб этилган ички манбаларнинг етишмаслиги кузатилди. Бу эса, бюджет даромадларини шакллантиришда ташқи манбалардан фойдаланишга олиб келди. Айрим давлатларда ташқи қарзни тўлай олмаслик ҳолатлари ҳам юзага келди. Масалан, Польшада XX асрнинг 90-йилларида қарзни тўлай олмаслик ҳолати юзага келди. Польшани бундай оғир аҳволдан қутқариш имкони хорижий кредиторлар томонидан ўз қарзларининг 50 фоизини воз кечиши натижасида юзага келди. Мана шундай ҳолат Болгарияда ҳам кузатилди. Масалан, 1997 йилда давлат қарзини тўлаш билан боғлиқ харажатлар жами бюджет харажатларининг 43,1 фоизини ташкил қилди. Бу сумманинг учдан бир қисми ташқи қарзни тўлаш харажатларига, учдан икки қисми эса ички қарзларни тўлаш харажатларига тўғри келади.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари иқтисодиётини кузатиш шуни аниқлаб берадики, солиқларнинг таркибида тўғри солиқлар улушининг камайиб кетиши иқтисоди яхши ривожланмаган давлатларга хос хусусият ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларнинг айримларини кузатадиган бўлсак, умумий даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг улуши жуда юқори. Масалан, 1997 йилги маълумотларга кўра тўғри солиқларнинг улуши АҚШда 91, Японияда 63,8, Буюк Британияда эса 54,3 фоизни ташкил қилган.

Энди биз таҳлил объектини Россия Федерацияси давлат бюджетига кўчирамиз.

Россия Федерал бюджетининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгри солиқлар эгаллайди. Уларнинг бюджет умумий даромадлари ҳажмидаги салмоғи 68 фоиздан ошади. Эгри солиқлар ичида салмоғига кўра биринчи ўринни қўшилган қиймат солиғи эгаллайди. Унинг Федерал бюджетнинг даромадлари ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ортиқ қисмни ташкил этади. Ундан кейинги ўринни акциз ва бож солиқлари

эгаллайди. Уларнинг Федерал бюджетнинг даромадлари хажмидаги салмоғи мос равишда 18,4 ва 19,3 фоизни эгаллайди.

Шуниси характерлики, Россия Федерал бюджети даромадларининг таркибида юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ суммаси атиги 7,6 фоизни, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи эса 5,3 фоизни ташкил этади. Тўғри солиқларнинг асосий турлари ҳисобланган мазкур икки солиқ тури бўйича солиқ тушумларининг бюджет даромадлари хажмидаги салмоғини нисбатан кичик эканлигининг асосий сабаблари куйидагилардан иборат:

1) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича кенг имтиёзлар тизими жорий қилинган.

2) юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ ставкасининг даражасини нисбатан паст эканлиги. Федерал бюджетга келиб тушадиган мазкур солиқларнинг ставкаси 13 фоизни ташкил этади. Федерация субъектлари томонидан ўрнатилган иккинчи ставканинг даражаси 22 фоиздан ошмаслиги керак.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган маблағлар давлат бюджети даромадлари хажмида сезиларли салмоқни эгаллайди. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий қисмида эса бу даромад манбаининг бюджет даромадлари таркибидаги салмоғи жуда кичик. Мазкур ҳолат аҳоли ва корхоналарнинг ҳукуматга нисбатан бўлган ишончини қай даражада эканлиги билан белгиланади.

Шундай қилиб, биз магистрлик диссертациясининг ушбу параграфида иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда давлат бюджети даромадларини шакллантириш амалиётининг айрим қирралари билан танишиб, улардаги айрим ижобий тажрибаларни мамлакатимиз солиқ-бюджет амалиётида қўллаш мумкинлигини назарий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилдик.

I-боб бўйича хулоса.

Юқорида амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда куйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

Бюджет даромадлари – бу давлат бюджет тизимнинг бюджетларига қонун ҳужжатларида белгиланган беғаразлик ва қайтариб бермаслик тартибида келиб тушадиган пул маблағлари.

Давлат бюджетининг бош моддий манбаи миллий даромад ҳисобланади. Башарти, давлатнинг молиявий эҳтиёжларини қоплаш учун миллий даромаддан ажратилаётган маблағлар етмаса, у ҳолда бу эҳтиёжлар учун миллий бойликлар (аввалги авлодлар меҳнати билан яратилган бойликлар, табиий ресурслар, ички ва ташқи қарзлар) жалб этилади.

Мамлакатда яратилган миллий даромаднинг муайян қисмини давлат мулкига айлантириш давлат томонидан турли усулларда, асосан солиқлар солиш, давлат кредитини йўлга қўйиш, пул эмиссияси орқали амалга оширилади. Ушбу усуллар ўртасидаги нисбат давлат режимига, мамлакатдаги иқтисодий аҳволга давлат молиявий сиёсатига ва бошқа объектив ҳамда субъектив омилларга боғлиқ бўлади.

Ривожланган илғор мамлакатларда давлат бюджети даромадларининг асосий қисми тўғри солиқлар ҳисобидан шаклланмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда эса, давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини эгри солиқлардан олинган тушумлар ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг даромад даражасини юқори эканлиги ва аҳолидан олинадиган даромад солиғини, асосан, прогрессив ставкаларда ундирилиши мазкур солиқлардан олинадиган тушумларнинг давлат бюджети даромадларининг таркибида юқори салмоққа эга бўлишига олиб келди.

II. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш ва режалаштириш амалиёти

Прогнозлаштириш ва режалаштириш бюджет жараёнининг илмий асосланган зарур компоненти сифатида намоён бўлади. Бюджетни прогнозлаштириш – бу асосий бюджет кўрсаткичларининг прогноз ҳисоб-китобларини амалга ошириш, бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмларининг ривожланиши мумкин бўлган йўллари эҳтимолли баҳолаш мажмуасидир.

Прогнозлаштиришнинг уч тури – узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлаштириш мавжуд. Узоқ муддатли прогнозлар 5 йилдан 10 йилгача муддатга ишлаб чиқилади, ижтимоий-иқтисодий концепцияларни, ўрта муддатли истиқболга – 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга (ҳар йили тузатишлар киритиш билан) мўлжалланган прогнозлар ва дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Қисқа муддатли прогнозлар молия йилига тузилади.

Бюджетнинг ривожланиш прогнозини ишлаб чиқишда экстраполяция, эксперт баҳолаш, бириктирилган методлардан фойдаланилиши мумкин. Экстраполяция методи – аввалги даврлардаги тажрибалардан келиб чиқиб истиқболни белгилаш. Бу метод нисбатан барқарор бюджетнинг харажатлар ва даромадлари баъзи бир моддаларини прогнозлаштиришда қўлланиши мумкин.

Эксперт баҳолаш методи – бу экспертлар (миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари етакчи мутахассислари)нинг баҳолари асосида тузиладиган прогноздир. Ушбу методнинг камчилиги – субъективизм

элементининг мавжудлиги. Бириктирилган метод экстраполяция ва эксперт баҳолаш методларини биргаликда ишлатишни назарда тутди.

Бюджетни режалаштириш – молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлатнинг молиявий сиёсати талабларига бўйсунди. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий функцияси марказлашган режалаштириш орқали ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни молиявий тизимнинг бўғинлари орасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умуммиллий дастурини бюджетларни ва турли даражадаги бюджетдан ташқари фондларни тузиш ва ижро этиш жараёнида ишлаб чиқишдир. Бюджетни режалаштириш жараёнида молия мамлакат ривожланишининг давлат дастурларини иқтисодий ва сифат кўрсаткичларига ҳамда табиий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни самарали ишлатиш усуллари ажратиб олишга фаол таъсир кўрсатади.

Бюджетни режалаштиришнинг асосий принциплари қуйидагилардир:

- бюджет масалаларини ягона ҳуқуқий меъёрлар билан бошқариш;
- бюджет маблағларини манзилли ва мақсадли йўналтириш характери;
- йиллик бюджетни режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- молиявий кўрсаткичларнинг барқарорлиги (нормативлар, солиқ ставкалари, сметалар);
- баланс методи.

Бюджетни режалаштириш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Бюджетни режалаштириш ўзида турли даражадаги бюджетларни тузиш жиҳатидан бюджет жараёнини, унинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асосини, шунингдек мамлакат бюджетини тузиш назарияси ва методологияси масалаларини мужассамлаштиради. Бюджетни режалаштириш асослари мамлакат Конституцияси ва қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Иқтисодиётдаги бозор ислохотлари бюджетга тушумларни прогнозлаштириш методологияси ва методикасини қайта кўриб чиқиш лозим.

Бюджет даромадларини шакллантириш уч муҳим йўналишни ўзида мужассамлаштиради:

- жалб қилинаётган барча турдаги даромадларнинг прогнозлаштирилаётган суммасини ҳисоб-китоб қилиш;
- бошқариладиган даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича қонунчиликда назарда тутилган тартиб ва нисбатларда тақсимлаш;
- юқори ва қуйи бюджетлар ўртасида молиявий ёрдам кўрсатиш (дотациялар, субвенциялар) ва бюджет таъминотини тенглаштириш (трансфертлар) борасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаштириш.

Давлат бюджети даромадларини режалаштиришни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалга оширади, у зарур ахборот базасига эга ва солиқларнинг бюджетга тўпланиши ҳолатини оператив кузатиб боради.

Даромадлар контингентини, энг аввало солиқ тушумларини ҳисоблаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот даврида жорий солиқ тушумлари ва бошқа тушумлар (даромадлар) тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни ҳудудлар кесимида кейинги йил бюджети устида иш бошлашдан олдин (белгиланган асос бўйича оператив таҳлил қилиш учун) тақдим этади. Солиқ қўмитаси бу маълумотларни ҳудудий солиқ инспекцияларидан олади;

2. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигидан кейинги (режалаштирилаётган) йилга ва ўрта муддатли истиқболга прогнозлаштирилаётган даромадлар ҳажмини, биринчи навбатда, солиқ тўловларини белгиловчи макроиқтисодий кўрсаткичларни олади.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга қуйидагилар киради: ЯИМ ҳажми; пул массаси ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар; миллий иқтисодиёт тармоқларида яратилаётган фойда ҳажми; иш ҳақи фонди ҳажми; инфляция

индекси ва дефляторлар; товар айланмаси ҳажми ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ҳар бир даражадаги бюджетларнинг даромадлари асосини шакллантирувчи муҳим солиқ турлари бўйича махсус ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги солиқ ва бошқа даромадлар контингентини прогнозлаштиради ва уларни ҳудудий молия бошқармалари учун мўлжал кўрсаткичлар сифатида тўплайди. Ҳозирги шароитда бюджет даромадларини режалаштиришнинг асослилигини ошириш учун таҳлил ишларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Бюджетга қилинадиган тўловлар ҳажмига таъсир этувчи барча омиллар тадқиқ этилади.

3. Шаҳар, туман, вилоят ва Тошкент шаҳри молия органлари ўз ҳудудларида давлат солиқ органлари ва бошқармалари билан биргаликда даромадлар контингентини прогнозлаштириш бўйича ишларни параллел олиб борадилар. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш базаси – кейинги йилга ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларининг асосий параметрлари бўлиб, у тегишли солиқлар бўйича бюджетга тўловлар ҳажмини белгилайди.

Даромадларни режалаштириш жараёнида солиқ солиш базаси тўғрисидаги маълумотдан ташқари режалаштрилаётган йилда солиқ солиш хусусиятлари, чунончи: ставкаларнинг ўзгариши, имтиёзлар берилиши ёки бекор қилиниши ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Шундай қилиб, бюджет даромадларини жамланма режалаштириш методи қуйидагиларга асосланади: солиқ солиш базаси ставкаларини шакллантириш тартибига оид қонун ҳужжатлари ва тегишли йўриқнома материалларига асосланган келаси йил ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози; солиқлар тўпланишининг шаклланган даражаси. Халқаро амалиётда қуйидаги бюджетни режалаштириш методлари фарқланади:

– меъёрий,

- “эришилган чегарадан”,
- дастурий-мақсадли.

Меъёрий метод бюджет маблағларида минимал эҳтиёжларни белгилашни назарда тутди. Меъёрлар қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан белгиланади.

Амалда мажбурий, оддий, йириклаштирилган, бириктирилган ва бошқа турдаги меъёрлар қўлланилади.

Мажбурий меъёрлар ҳукумат ёки ҳудудий ҳукумат органи томонидан; қўшимча меъёрлар – идоралар томонидан; оддий меъёрлар алоҳида турдаги харажатлар учун; йириклаштирилган меъёрлар – ташкилотнинг жами харажатлари учун белгиланади.

“Бюджетни режалаштириш меъёрий методининг қўлланилиши барча турдаги бюджет харажатлари (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқалар) бўйича катта ҳажмдаги молиявий ва табиий харажатлар меъёрини ишлаб чиқишни талаб этади. Вазифани енгиллаштириш учун ягона ижтимоий стандартлар (ҳар бир одамга ёки бюджет хизматларининг истеъмолчисига йириклаштирилган меъёрлар) ишлаб чиқилади. Аммо ягона ижтимоий стандартларнинг жорий этилиши бюджет хизматларининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Меъёрий методдан фойдаланилганида бюджет маблағларини олувчиларнинг ўз хизматлари сифатини ошириш ва унинг таннархини пасайтиришга рағбати йўқолади”.⁹

Бюджетни режалаштиришнинг “эришилган чегарадан” методидан бюджет маблағларининг бош тасарруфчиси, бюджет маблағларининг тасарруфчилари ва ташкилотларнинг молиялаштириш лимитларини белгилашда фойдаланилади. Бу методда бюджетдан молиялаштириш ҳажмини аниқлаш учун мўлжал бўлиб бюджет маблағларини олувчиларнинг

⁹ Ковалевский А., Сучкова А. Программно-целевое бюджетирование как метод повышения результативности бюджетных расходов // Сборник статей «Развитие бюджетного федерализма: опыт и российская практика» / Общая ред. Мигары Де Сильвы. – М.: Издательство «Весь мир», 2006. – 350-б.

аввалги йилдаги фаолияти кўрсаткичлари хизмат қилади. Бу методни қўллаш охир-оқибатда бюджетга тушувчи юк мунтазам ошиб боришига олиб келади, чунки бюджет маблағларини олувчилар ва тасарруф этувчилар ресурсларни оқилона ва тежамкорлик билан ишлатишга қизиқишни йўқотадилар ва кейинги йилда молиялаштириш қисқартирилишига дуч келмаслик учун ўзларининг харажатларини сунъий равишда “шишириш”га ҳаракат қиладилар.

Бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли методи ёки дастурлар бўйича бюджетни режалаштириш (режалаштириш, дастурлаш ва молиялаштириш тизими – planning programming and budgeting system – PPBS).

Дастурий-мақсадли тамойиллар асосида тузилган бюджетнинг муҳим хусусияти шундаки, якуний натижалар, режалаштирилган тадбирлардан самара ва уларнинг мониторинги методлари бюджетнинг ўзида белгиланади. Бунда бюджет фақатгина харажатлар таснифининг “анъанавий” (функционал, иқтисодий, идоровий) турлари ёрдамидагина эмас, балки аниқ дастурлар бўйича ҳам ишлаб чиқилади. Дастур доирасидаги ҳар бир тадбирга харажатлар алоҳида кўрсатилади. Бундан ташқари, бевосита бюджетда баҳолаш мезонларининг моҳияти кўрсатилади. Улар шу дастур доирасида молиялаштирилаётган объект ёки хизматнинг ҳолатини ва дастур якунланганда эришилиши режалаштирилаётган ҳолатни акс эттиради.

Дастурий-мақсадли метод доирасида «zero» асосида режалаштириш методи (zero-base budgeting) ҳам фарқланади. Режалаштириш ҳар қандай ҳукумат органининг бюджети асосида молиялаштириш мавжуд эмаслигини қайд этишдан бошланади. Бу органнинг харажатлари умумий бюджетга қўшилгунга қадар, дастурни баҳолаш ва уни бошқа органларнинг дастурлари билан солиштириш амалга оширилади.

Бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулини киритиш тегишли базани яратишни назарда тутаяди, хусусан Ўзбекистонда бунга

иқтисодий, ижтимоий ва бошқа давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва бир маромда амалга ошириш ҳамда бюджет кўрсаткичларини ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш имконият яратади.

Ўзбекистонда бюджетни режалаштириш “эришилган чегарадан” методига асосланади, унда макроиқтисодий ривожланишнинг эришилган кўрсаткичлари кейинги йилга тузатиш киритиш билан режалаштирилади. Ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар ҳисоб-китоби нормативларга ва хизмат кўрсатиш учун маблағлар харажати меъёрларига мувофиқ амалга оширилади давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш доирасида бюджетни режалаштириш методлари ҳам такомиллаштирилади.

“Даромадлар тушумини прогнозлаштириш натижасида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- Солиқ Кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча тушумларни тўлиқ шакллантиради;

- Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини прогноз қилади;

- Худудлар ва тушум манбалари кесимида ҳақиқий даромадлар тушуми динамикаси, шунингдек худудлар ва тармоқлар кесимида иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини статистик анализ қилиш асосида солиқ солинадиган базани тартибга солади;

- Худудлар ва барча солиқ турлари кесимида солиқ тўловларни ундириш даражасини таҳлил қилиш асосида солиқ қарздорлигини қисқартириш чора-тадбирларини кўради;

- Солиқ имтиёзларнинг мақсадли йўналтирилганлигини кучайтириш, бюджет даромадларини ошириш заҳираларини жалб қилиш ва қидириш натижалари бўйича молия органларининг ҳисоб-китоблари асосида солиқ тушумларини оширишнинг қўшимча заҳираларини аниқлаш имкониятларини таҳлил қилади;

- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари динамикаси асосида ҳудудлар кесимида даромадлар тушуми прогноз кўрсаткичларини аниқлашни ягона ёндашувини қўллайди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда бюджет даромадларининг истиқбол режаларини белгилашнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтиш лозим:

- давлатнинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича кутилаётган натижаларни аниқлаш;
- давлат даромадлари тушумларини таҳлил қилиш;
- иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг бюджет даромадларига таъсирини ўрганиш;
- давлат дастурларини молиявий таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бошқалар”¹⁰.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга даромадлар тушумини прогнозлаштириш Бюджет Кодексига мувофиқ, бюджет жараёнининг таркибий қисми ҳисобланиб, даромадларни истиқбол режаларини белгилаш “Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш” Қоидаларида *(АВ 14.03.2012 йилда 1111-сон билан рўйхатдан ўтган)* белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш вазирликлар, идоралар ва уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари тақдим этган ҳақиқий ва прогноз маълумотлар асосида Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий молия органлари томонидан тегишли давлат идоралари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришда макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг сабаби шундаки, давлат миллий

10 Осторогожская Э.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджетни режалаштиришни такомиллаштириш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогнозлаш, ижро этиш ва назорат. Маърузалар тўплами. Молия. 2006.106 б.

иқтисодиётда макроиқтисодий агент сифатида ўзаро товар ва пул айланмасида иштирок этади ҳамда давлат харажатлари ва шунга тенг бўлган даромадлари ЯИМ таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, мамлакатда яратиладиган маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми, иқтисодий ўсиш кўрсаткичи, нархлар даражаси, миллий валютанинг эркин алмаштириладиган валюталарга нисбатан курси давлат бюджети даромадлари миқдорига бевосита таъсир қилади.

Солиқ тушумларини прогнозлаштириш амалиётида асосан 2 усули мавжуд:

- 1) ҳақиқий эришилган даража бўйича прогнозлаш;
- 2) макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогнозлаш.

Ҳақиқий эришилган даража бўйича даромадлар тушумини прогнозлаштиришда статистик ва молиявий маълумотлар ҳамда бюджетга ҳақиқатда келиб тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича амалга оширилади. Бунда прогноз кўрсаткичлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумининг ўзгариши, келгуси йил учун солиқ ставкалари, шунингдек солиққа тортишнинг янги манбаларининг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогнозлаштиришда, маълумки давлат бюджети даромадлари унинг харажатларига тенг бўлиб, ЯИМ таркибига киради. Шу сабабли ҳам солиққа тортиладиган база, яъни яратилган қўшилган қиймат, хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаси, товар айланмаси ва солиқ тушумларининг ЯИМ таркибидаги улушининг кейинги йиллардаги динамикасининг ўртача кўрсаткичини топиш орқали амалга оширилади.

Бюджет даромадларини прогнозлаштиришда юқоридаги икки усул бири-биридан алоҳида ҳолда қўлланилмайди, чунки улар бир бири билан узвий боғлиқдир. Бир усул билан прогнозлаштирилган даромадлар тушуми иккинчиси ёрдамида таҳлил қилинади. Юқорида айтиб ўтилганидек,

даромадларни прогнозлаштириш аниқликни талаб қилади ва шунинг учун ҳам прогноз қилинган солиқ тушумлари ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқишни тақозо қилади.

Ушбу тадқиқот ишимизда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ тушумини прогнозлаштириш амалиёти таҳлил қилинган. Маълумки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Биз таҳлил қилган 2008-2013 йиллар мобайнида ушбу солиқ тушумининг салмоғи давлат бюджети даромадларининг ўртача 11,6% ни ёки тўғри солиқларнинг 44,4% ни ташкил қилмоқда. Мамлакатимизда солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқини камайтириш борасида мунтазам ислохотлар амалга оширилиб келмоқда, жумладан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ҳам. Маълумки 1998 йилда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ 5 даражали шкала бўйича энг юқори 45% лик ставка билан ундирилган бўлса, ҳозирги вақтда энг юқори 23% лик ставка билан 4 даражали шкала қўлланилмоқда. Ва яна биринчи даражали шкала бўйича солиқ ставкаси ҳам мунтазам камайтирилиб келинмоқда, 1998 йилда ушбу шкала бўйича 15% лик ставка қўлланилган бўлса, 2015 йилда эса энг кам иш ҳақининг бир баробаригача 0% лик ставка амал қилмоқда.

Жисмоний шахсларнинг даромадидан ундириладиган солиқ мураккаб прогрессив ставка бўйича ундирилади, яъни солиқ солинадиган даромад ҳажми ўсиб боргани сари, солиқ ставкаси ҳам прогрессив равишда ўсиб боради.

Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга даромадлар тушумини прогнозлаштириш вазифаси амалга оширилган кейин Давлат бюджетининг даромадлар қисмини ижро этиш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб қилинади:

- Даромадлар тушуми бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини ўрганиш ва ушбу маълумотлар асосида бюджетнинг даромад қисмини таъминлашга қаратилган чора тадбирларни белгилаб чиқиш;
- Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юки тақсимотини ва улар тўлайдиган солиқ турлари ўрганиш;
- Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва ҳисоботлар тузиш;
- Таҳлил этилган натижалар асосида келгуси давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар прогнозини ташкил қилиш.

Даромадлар тушумини прогнозлаштириш ёрдамида Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва унинг сифатли тўлдирилиши, давлат бюджетининг ижро этилиш ҳолати, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қарздорлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг келиб чиқиш сабаблари, давлат томонидан олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлиги ва унинг иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишга таъсирини ўрганиб чиқиш имкониятларини оширади.

2.2. Давлат бюджети даромадларини шакллантириш амалиёти таҳлили

Давлат бюджети мамлакатнинг молия тизимида марказий ўринни эгаллаб, умумдавлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда устувор йўналишлар учун молиявий ресурсларни йиғишда асосий инструмент бўлиб хизмат қилади. Марказлаштирилган пул фондини шакллантириш орқали унинг ёрдамида катта ҳажмдаги молиявий ресурслар давлатнинг қўлида тўпланади ва улар ягона мақсадга умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади.

Давлат бюджетининг даромадлари мамлакат ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнининг асосий элементларидан бири бўлиб, улар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган даромадлар ва жамғармаларнинг бир қисмини бюджетга ўтказилиши натижасида вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир курсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради, имтиёзлар ёрдамида эса аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради.

Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва унинг тузилмаси доимий бўлмасдан, улар мамлакат таракқиёти ва давлатнинг олдидаги вазифаларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгариб боради.

Давлат бюджети даромадлари 2014 йилда ЯИМга нисбатан 21,9%ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,1 ф.б. камдир. Давлат бюджети даромадларининг ЯИМ га нисбатан таркибига қўйидагича: тўғри солиқлар бўйича даромадлар ЯИМга нисбатан 5,1%, эгри солиқлар – 11,6%, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи – 3,0% ва бошқа даромадлар – 2,2%.

Умуман олганда, Давлат бюджети даромадларининг ижросига қўйидаги омиллар таъсир қилди.

1. Тўғри солиқлар бўйича солиқ юкини янада камайтириш мақсадида, 2014 йилнинг 1 январидан эътиборан:

- юридик шахслар фойда солиғи ставкаси 9 дан 8%га;

- жисмоний шахслар даромад солиғи энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача бўлган қисмига солиқ ставкаси 8 дан 7,5 % га пасайтирилди.

2.2.1-жадвал.

Давлат бюджети даромадлар қисмининг ижроси (ЯИМга нисбатан %)¹¹

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014
Даромадлар – жами	22,1	21,9	22,0	22,0	21,9
1. Тўғри солиқлар	5,8	5,8	5,6	5,3	5,1
2. Эгри солиқлар	11,1	10,6	10,8	11,3	11,6
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	3,4	3,4	3,4	3,3	3,0
4. Бошқа даромадлар	1,8	2,2	2,2	2,2	2,2

Тўғри солиқларнинг ЯИМ га нисбатан камайиши, асосан Давлат бюджети умумий даромадларида юридик шахслар фойда солиғидан (2013 йилдаги 4,0%дан 2014 йилда 3,5%га) ҳамда жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан тушумларнинг (2013 йилдаги 10,4%дан 2014 йилда 10,3%га) пасайганлиги билан характерланади.


2. Эгри солиқлар бўйича тушумларнинг ошиши. 2014 йил якуни бўйича, эгри солиқлар бўйича тушумларнинг ЯИМга нисбатан аввалги йилги 11,3дан 11,6%га, шунингдек Давлат бюджетининг умумий даромадларидаги улуши ҳам 51,1дан 53,1%га ортди. Бу жараён қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар улушининг ўтган йилдаги 28,8%дан, жорий йилда 29,9%га ошиши ҳисобига таъминланди.

3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар улушининг ЯИМ га нисбатан (2013 йилдаги 3,3%дан 2014 йилда 3,0%га) ва Давлат бюджетининг умумий даромадларига нисбатан (14,8%дан 13,6%га) камайиши.

¹¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2014 йил. ИТМ. Т.: 2015. 93 б.

Таъкидлаш лозимки, 2014 йилнинг 1 январидан ставкалар индексация килинганлигини қарамасдан, ушбу гуруҳ солиқлари бўйича тушумларнинг камайиши жараёни кузатилмоқда:

- мол-мулк солиғи ставкалари ўртача 15 %га;
- ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдалангалик учун солиқ ставкалари 20%га.



2.2.1-расм. 2010-2015 йилларда давлат бюджети даромадларининг (мақсадли жамғармаларсиз) прогноз кўрсаткичлари ва даромадлар ижроси (млрд. сўм)¹²

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2014 йилда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари 30275,0 млрд сўм миқдорида бўлиб, жорий йилда даромадлар касса ижроси аниқланган режага нисбатан 101,6 % га ёки 31729,6 млрд сўм миқдорида бажарилди. Бунинг натижасида бюджетга қўшимча 1454,6 млрд сум миқдорида маблағ йўналтириш имконини берди. Бу биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва техник янгилаш, инновацион технологияларни жорий қилиш, кичик бизнес

¹² Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

субъектларининг иш фаолиятини самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган ислохатлар натижасидир.

2015 йилда ҳам мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, уларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳоли реал даромадларини ошириш борасида муаяйн вазифалар белгилаб берилган. Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш бўйича амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсати солиқ ставкаларини пасайтириш, солиқ солиш шкаласида даражалари оптималлаштиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Солиқларни ундириш методлари, тўловчиларнинг таркиби, тўлаш муддатлари ва бошқа хусусиятларига фарқланишлар бўлишига карамасдан бюджет даромадлари ўзининг яхлитлиги билан фарқланади.

Бюджет даромадларини эса йилдан йилга ошириш белгиланган ушбу шакллантирилган даромадлар натижасида бюджет харажатлари турли йўналишларга сарфланади. Шунингдек, Маҳаллий Ҳокимият органларининг бюджет даромадлари режасини тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича устувор вазифалар қилиб қуйидагилар белгиланди.

- Солиқларнинг йиғилиш даражасини кўтариш;
- Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда уларга кўмаклашиш ва янги иш ўринларини яратиш;
- Худудларда ишлаб чиқариш суръатларини оширишга қаратилган ва тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси бажарилишини таъминлаш;
- Маҳаллий бюджетларни режалаштириш тизимини ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;
- Бюджет даромадларини ошириш бўйича қўшимча ресурсларни излаш.

2.2.2-жадвал.

Давлат бюджети даромадлар қисмининг ижроси (якунга нисбатан%)¹³

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014
Даромадлар –жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1.Тўғри солиқлар	26,1	26,4	25,4	24,2	23,4
Юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ	4,7	5,1	4,7	4,0	3,5
Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ	11,7	11,2	10,8	10,4	10,3
2.Эгри солиқлар	50,4	48,2	49,0	51,1	53,1
ҚҚС	28,7	27,9	28,0	28,8	29,9
Акцизлар	16,3	14,9	14,9	15,9	15,6
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	15,4	15,4	15,6	14,8	13,6
4. Бошқа даромадлар	8,1	10,0	10,0	9,8	9,9

2014 йилда давлат бюджети ташкил топиш манбаларида юқори улушни билвосита солиқлар эгаллаган бўлиб уларнинг жами даромад манбаларидаги салмоғи 53,1 %ни ташкил этган, шунингдек кейинги ўринларда бевосита солиқлар 23,4 %ни, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 13,6%ни ташкил этган.

Тўғри солиқлар бевосита солиқ тўловчиларнинг даромадидан тўланганлиги учун солиқ ставкаларининг пасайтирилиши уларнинг даромадини кўп қисмини ўзида қолдириб, инвестиция фаоллигини кенгайтириш имконини яратади, иктисодиётни барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ва аксинча ушбу солиқ ставкаларининг оширилиши солиқ тўловчиларнинг молиявий имкониятлари камайишига, харид қобилиятининг пасайишига олиб келади. Демак, тўғри солиқлар иктисодиётнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир.

Жаҳон амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатига қараб, мамлакат иктисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо берилади. Ривожланган давлатлар бюджети

¹³ Ўзбекистон иктисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2014 йил. ИТМ. Т.: 2015. 93 б.

таркибида эгри солиқларнинг салмоғи паст даражада булиб, тўғри солиқларнинг улуши юкори, ва аксинча ривожланаётган давлатларда бюджет даромадлари таркибида эгри солиқлар салмоқли кисмини ташкил қилади. Юқоридаги жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, эгри солиқларнинг хозирги вақтда давлат бюджети даромадларининг асосий кисмини шакллантираётган солиқлар сифатида эътироф этиш мумкин. Бу эса мамлакатимиз иктисодиётининг ривожланиш жараёнида эканлигини билдиради.

Эгри солиқларнинг бюджет даромадларининг шакллантиришдаги аҳамиятини инобатга олиб, уни тахлил этиш ва ўрганиш муҳимдир. Тахлил этилаётган даврда эгри солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги хиссаси юкорилигини ва тебраниш хусусиятига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2010 йилда унинг улуши 50.4% ни ташкил қилган булса, 2011-2012 йилларда пасайиш тенденциясига эга булди ва 50% дан паст булди. Лекин, 2013-2014 йиллар мобайнида эса яна узиш тенденциясига эга булиб, мос равишда 51,1-53,1% атрофида сақланиб қолди. 2015 йилда ҳам 50% дан юкори 52,8% фоиз атрофида ташкил қилиши кутилмоқда.

Эгри солиқлар мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, муомаладаги пул массаси жиловлаб туради, инфляцияни олдини олишга ёрдам беради. Бирок меҳнат билан банд бўлган аҳолининг реал даромадини пасайтиради.

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи ер, мол-мулк, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий инструмент булган холда бозор иктисодиёти шароитида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва келажак авлод учун ҳам имконият яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу солиқларнинг бошқа солиқлардан фаркли жихати солиқ тўловчиларнинг фаолият натижаларига боғлиқ эмас, яъни у қайта тикланмайдиган ер, сув ва табиий захираларидан фойдаланганлик учун узига хос тўловдир. Бунда асосий эътибор барча солиқ тўловчиларга тенг

шароитлар яратиш, табиий ва сув бойликларига нисбатан оқилона муносабатини рағбатлантиришга қаратилгандир. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги улуши барқарор эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2010-2011 йилларда унинг салмоғи бир хил 15,4% ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 0,2% га ошиб, 15,6% га етди. 2013-2014 йилларда эса бирмунча пасайиб мос равишда 14,8-13,6% ни ташкил қилган. Жорий йилги прогноз ҳисоб-китобларга кўра унинг миқдори 15,9% бўлиши кутилмоқда.

Бошқа даромадлар доимий фискал хусусиятга эга эмас ва уларнинг катъий белгиланган ставкаси ҳам йук. Бошқа даромадлар давлатнинг иктисодий фаолияти натижасида юзага келади ва улар таркибига конун ҳужжатларида белгиланган нормативлар буйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар, конун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳукуки буйича давлат мулкига утган пул маблағлари, резидент- юрилик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар, давлат божлар қиради. Шунингдек, ушбу тоифага мансуб даромадлар қаторига фуқаролик- ҳукукий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларининг қўлланилиши натижасида олинган маблағлар, шу жумладан жарималар, мусодара қилинган мол-мулк, товон пули ва мажбурий тартибда олиб қуйилган бошқа маблағлар ҳам қиради.

Бошқа даромадларнинг Давлат бюджети даромадларидаги улуши 2010 йилда 8,1% ни ташкил қилиб, кейинги икки йилда барқарор ҳолат қузатилиб 10% миқдорда сақланиб қолди. Бирок, кейинги йилларда пасайиш тенденцияси қузатилиб 2013-2014 йилларда мос равишда 9,8-9,9% ни ташкил этди. Жорий 2015 йилда бошқа даромадлар буйича прогноз курсаткичлар 7,7% миқдорида режалаштирилган.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланишининг асосий моддалари бўйича ёйилмасини ўрганиш ва таҳлил қилиш солиқларнинг иктисодиётдаги

ролини бевосита очиб беради. Маълумки солиқлар воситасида давлат хўжалик фаолиятини рағбатлантиради, меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида маҳсулот, хизматлар ҳажмларини кўпайтиришдан манфаатдорликни оширади.

Давлат томонидан иқтисодий тартибга солиш воситаси сифатида солиқлар Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи ва жамиятнинг ривожланиш тенденцияларига таъсир этувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу эса солиқ тушумларининг давлатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдаги аҳамиятини янада оширади.

2014 йилда Давлат мақсадли пул фондларининг даромадларисиз жами даромадлар 31729,6 млрд. сўми ташкил этган ҳолда ўтган йилга нисбатан 21%га ошган. Жами даромадлар таркибида тўғри (бевосита) солиқлар 23,4%ни, эгри (билвосита) солиқлар 53,1%ни, ресурс тўловлари 13,6%ни, шунингдек, бошқа даромадлар эса 9,9%ни ташкил этган. Жами давлат бюджети даромадлари таркибида юқори улушни эгри солиқлар, жумладан, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмоли учун солиғи ташкил этиб олдинги йилга нисбатан 25,8 фоизга ошган.

Демак, мамлакатимиздаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий модернизациялаштириш шароитида давлат бюджетининг аҳамияти алоҳида ўринга эга эканлигини таҳлил жараёнида кўришимиз мумкин экан. Ҳозирги кунда бюджетнинг мустаҳкам даромад манбаига эга бўлиб бораётганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритиши учун мустаҳкам базани яратилганлиги ҳамда уларга солиқ имтиёзларининг берилиб борилаётганлиги бюджет даромадларининг мустаҳкам манбаси шаклланди.

2.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари динамикаси¹⁴

№	Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Млрд. сўм	Жамига нисбатан (%)	Млрд. сўм	Жамига нисбатан (%)	Млрд. сўм	Жамига нисбатан (%)
I	Даромадлар-жами Давлат мақсадли пул фондларининг даромадларисиз	21295,7	100,0	26223,2	100,0	31729,6	100,0
1.	Тўғри (бевосита) солиқлар	5414,2	25,4	6353,7	24,2	7433,1	23,4
1.1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1001,1	4,7	1038,8	4,0	1120,2	3,5
1.2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	645,9	3,0	832,6	3,2	954,4	3,0
1.3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар	588,2	2,8	755,0	2,9	967,9	3,1
1.4	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	2301,8	10,8	2717,3	10,4	3261,7	10,3
1.5	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	317,3	1,5	415,6	1,6	553,1	1,7
1.6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	559,9	2,6	594,4	2,3	575,7	1,8
2.	Эгри (билвосита) солиқлар	10434,5	49,0	13398,6	51,1	16851,8	53,1
2.1	Кўшилган қиймат солиғи	5966,6	28,0	7552,5	28,8	9475,6	29,9
2.2	Акциз солиғи	3175,9	14,9	4168,2	15,9	4941,1	15,6
2.3	Божхона божи	759,7	3,6	1007,4	3,8	1350,0	4,3
2.4	Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	532,4	2,5	670,5	2,6	1085,1	3,4
3.	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	3312,5	15,6	3888,2	14,8	4311,6	13,6
3.1	Мол-мулк солиғи	736,1	3,5	1011,6	3,9	1273,8	4,0
3.2	Ер солиғи	486,3	2,3	583,4	2,2	647,5	2,0
3.3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	2016,3	9,5	2190,9	8,4	2275,6	7,2
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	73,9	0,3	102,4	0,4	114,7	0,4
4.	Бошқа даромадлар	2134,4	10,0	2582,7	9,8	3133,1	9,9

Юқоридаги жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, Давлат бюджети даромадларининг асосий 90% дан ортиқ қисмини солиқлар ташкил

¹⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоботлари асосида магистрант томонидан тузилган.

қилаётганлигини ва солиқ тушумларининг ўзгариши барқарор эканлигини ҳам кўриш мумкин. Демак, уларнинг ёйилмаси бўйича тахлил қиладиган бўлсак, тўғри солиқлар таркибида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи 2012 йилда 4,7% ни, 2014 йилда 3,5% ни ташкил қилди. Юридик шахслар фойдасидан олинadиган солиқлар уларнинг бевосита даромадидан ундирилганлиги сабабли ушбу солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ёки солиқ имтиёзларининг берилиши уларнинг даромадини ошишига, инвестицион фаолиятнинг кенгайишига ва моддий техник базасининг мустахкамланишига олиб келади. Кейинги йилларда ушбу солиқ турининг бюджет даромадларидаги улуши пасайиш тенденциясига эга бўлди.

Тўғри солиқлар Давлат бюджети даромадлари таркибида ҳам жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг салмоғи юқори эканлиги билан ажралиб туради. Ушбу солиқ тушимини микдори пасайиш тенденциясига эга, жумладан 2012 йилда 10,8% ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 0,5 фоизли пунктга камайиб 10,3% ни ташкил қилди. Ушбу ҳолат бевосита жисмоний шахслар зиммасида солиқ юқини камайтириш учун олиб бориладиган солиқ сиёсати натижасидир.

Давлат бюджети даромадлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларлик субъектлари томонидан тўланган солиқ тушумлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2012 йилда бюджет даромадлари таркибидаги улуши 7,3% бўлган бўлса, 2014 йилга келиб 7,8% га етди. Мамлакатимизда миллий иктисодиётимизни барқарор ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим аҳамият касб этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу эса биринчи навбатда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганлигининг ижобий самараси ҳисобланади. Давлатимиз молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари бири

сифатида кичик бизнес субъектлари зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида куплаб амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2013 йилдан 6% микдорида белгиланди. 2005 йилда бу ставка 13% ни ташкил қилар эди.

Эгри солиқлар, балки давлат бюджета даромадлари таркибида ҚҚС асосий манбалардан биридир. ҚҚС солиқ амалиётида жорий килинган солиққа тортишнинг энг мураккаб, куп киррали ва доимо такомиллаштиришни талаб этадиган солиқ тури ҳисобланади. Уни жорий қилинишига асосий сабаблардан бири бўлиб, ҚҚС ёрдамида давлат бюджетига даромадлар тушумини таъминлаш ва бозор муносабатларини шакллантириш шароитида катта аҳамиятга эга бўлган давлат бюджетини тузишнинг барқарор негизини яратишдир. ҚҚСни хўжалик юритувчи субъектлар аввал ўз ҳисобларидан бюджетга тўлаб беради ва кейинчалик уларни ҳақиқий солиқ тўловчилардан ўз ҳисобларига йигиб оладилар. Бу ҚҚСнинг бошқа эгри солиқлари каби узига хос хусусиятларидан бирини ифодалайди. Таҳлил килинган 2012-2014 йиллар даврида ҚҚСнинг улуши барқарор тенденцияга эга бўлиб, ушбу йиллар мобайнида бюджет даромадларининг 28-29% қисmini ташкил қилмоқда. ҚҚС нинг салмогининг юқорилиги бу асосан ЯИМ нинг усиш суъратлари, товар айланмаси ва хизматлар қўсатиш ҳажмининг ошиши билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, яна бир эътиборли томони ҚҚС ставкасининг фискал хусусиятга эга эканлиги, жумладан 1998 йилда 20% ставкаси белгиланган бўлиб, ҳозирги вақтгача ушбу ставка кулланилмоқда.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланишида иккинчи асосий манба бу акциз солиғи бўлиб, акциз солигининг улуши тебраниш ҳолататига эга. Жумладан, 2012 йилда 14,9% ни ташкил қилган бўлса, кейинги 2 йил мобайнида сезиларли микдорда ошиб, 15,6% ни ташкил этди.

Эгри солиқлар таркибида энг минимал хисса эга булган солиқ бу транспорт воситаларига бензин, дизел ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун тўлов хисобланади. Лекин тахлил этилаётган йиллар мобанийда унинг салмоги усиш тенденциясига эга булиб, 2012 йилда 2,5% булган булса 2014 йилда 3,4% га етди.

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги бюджет даромадлари таркибида салмокли хиссага эга булсада, лекин уни шакллантираётган асосий солиқ Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ташкил килади. Ушбу гурухнинг 60% дан юкори хиссаси, Давлат бюджети даромадларининг эса 10% га якин кисми Ер каъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлардан ташкил топмокда. Лекин ушбу солиқ тури тахлилий даври мобайнида пасайиш холатига эга булиб, жумладан 2012 йилда Давлат бюджети даромадларининг 9,5% ни ташкил килган булса, 2014 йилга келиб 7,2% булди.

Жисмоний ва юридик шахслар тулайдиган мол-мулк ва ер солигининг салмоги 2012 йилда 3,5% ни ташкил килган булса, 2014 йилга келиб 4%га ошди. Ушбу солиқ тури буйича усишини аввало ахоли сонинг ортиб бориши, юридик шахсларнинг асосий воситалар билан таъминланганлик даражасининг ошиб бориши, солиқ ставкасининг доимий индексацияланиши билан изохлаш мумкин.

Давлат бюджети даромадлари таркибида энг минимал курсаткичга эга булган солиқ тури Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ хисобланади. Унинг салмоги хам барқарорлиги билан ажралиб туриб, тахлил этилган йиллар давомида бюджет даромадларининг 0.4% атрофида улушини ташкил килмокда.

Ушбу тадкикот ишимизда Давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи булмиш солиқларнинг шаклланишини тахлили шуни курсатадики, давлат ва солиқ тўловчилар уртасидаги молиявий муносабатлар объектив мажбурий тўловларга асосланар экан. Бунда давлат миллий даромаднинг бир

кисмини солиқлар ёрдамида йигиб олади ва бирламчи умумдават вазифаларни амалга ошириш учун сарфланади, бу эса солиқларнинг ижтимоий аҳамиятини янада орттиради.

II боб бўйича хулоса.

Бюджетни режалаштириш – молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлатнинг молиявий сиёсати талабларига бўйсунди. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий функцияси марказлашган режалаштириш орқали ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни молиявий тизимнинг бўғинлари орасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умуммиллий дастурини бюджетларни ва турли даражадаги бюджетдан ташқари фондларни тузиш ва ижро этиш жараёнида ишлаб чиқишдир.

2014 йилда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари 30275,0 млрд сўм миқдорида бўлиб, жорий йилда даромадлар касса ижроси аниқланган режага нисбатан 101,6 % га ёки 31729,6 млрд сўм миқдорида бажарилди. Бунинг натижасида бюджетга қўшимча 1454,6 млрд сум миқдорида маблағ йўналтириш имконини берди. Бу биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва техник янгилаш, инновацион технологияларни жорий қилиш, кичик бизнес субъектларининг иш фаолиятини самарадорлигини ошириш билан юзасидан олиб борилган ислохатлар натижасидир.

Ш БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқ сиёсатининг ролини ошириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади».¹⁵ Уларнинг орасида солиқларнинг энг муҳим омил эканлигини эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг маданийлашган, энг соғлом йўли ҳақиқаттан ҳам солиқлардир. Буни жаҳон тажрибаси яққол кўрсатиб турибди, бу жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам узил-кесил эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим»¹⁶ -деган фикрларида бюджет-солиқ сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий воситалари асосан, бюджет ва пул-кредит сиёсати воситаларидан иборат бўлади. Булар ҳам ўз навбатида бевосита ва билвосита усулларга бўлинади. Умуман олганда, кўпчилик ривожланган мамлакатларда бозорни тартибга солишда бевосита ва билвосита услублардан фойдаланилади. Молия, кредит воситалари, солиқлар сиёсатини олиб боришни тартибга солишни билвосита усулларига киради. Юқоридаги вазифаларни бажаришда давлат фискал ва пул сиёсати,

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.,«Ўзбекистон». 1998. 358 б.

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.,«Ўзбекистон». 1998. 358 б.

ижтимоий сиёсат ва даромадларни тартибга солиш сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат воситаларидан фойдаланади.

Маълумки, давлатнинг бюджет маблағларини тақсимлаш билан боғлиқ сиёсатига, унинг фискал сиёсати дейилади. Бу фаолиятнинг икки тарафи мавжуд, булардан биринчиси солиқ тизими орқали бюджетни таркиб топтириш, иккинчи тарафи эса уни сарфлашдан иборат. Худди шу бюджет давлатнинг вазифаларини бажаришда молиявий асос бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда бюджет шаклида давлат жуда катта ҳажмда молиявий ресурсларни жамлайди.

Иқтисодиётни макроиқтисодий барқарорлаштиришда фискал сиёсат муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фискал ва пул-кредит сиёсати усуллари устун даражада иқтисодиётни тартибга солишнинг билвосита усуллариға таллуққидир. Улар хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун иқтисодий муҳитни яратади. Давлат харажатлар таркиби ва солиқларни ўзгартириш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириши, ишсизлик ва инфляцияға таъсир кўрсатиши мумкин.

Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари жумласига давлат харидларини, ижтимоий дастурларни, ишлаб чиқарувчиларға молиявий ёрдам шакллариини қайд этилган нархларни ҳамда экспорт ва импорт қилинадиган товарларға квоталарни киритиш мумкин.

Давлат бу усулларнинг барчасидан бир-бириға мос равишда фойдаланади. Ялпи талаб ва ялпи таклифға таъсир этади ва натижада ялпи миллий маҳсулотнинг мувозанатлашган даражасини, уни ишлаб чиқариши мумкин бўлган ҳажмға яқинлашишини таъминлайди.

Бошқача қилиб айтганда фискал сиёсат деганда, ҳукумат харидлари ва солиқ тизимини ўзгартиришға қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ҳам тушунилади. Давлат бюджети харажатларини кўпайтириш ёки қисқартириш, тўғридан-тўғри хўжалик юритишни тартибга солишни амалга оширади.

Чунки бу тадбирлар жами талабга бевосита таъсир қилади. Солиқлар давлат харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам давлат солиқ тизими сиёсатини, солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёз турларини аниқлар экан, шу билан у бюджет харажатларига ва бутун макроиқтисодий вазиятга таъсир кўрсатади.

Маълумки, давлатнинг иқтисодий усуллар билан бозорни тартибга солиш тадбирлари давлат ихтиёридаги корхона ва ташкилот-ларни бошқариш, уларни молиялаштириш, бюджет, солиқ ва кредит-пул сиёсати орқали ҳамда капитал сарфларни назорат қилиш орқали амалга оширилади. Давлат иқтисодий услубларни қўллаганда, унинг салбий оқибатларини доимо кузатиб олдиндан унинг олдини олишга ҳаракат қилиши керак. Масалан, солиқ сиёсатини олиб борганда, у тадбиркорлик ташаббуси даражасини пасайтиришга олиб келмаслигидан эҳтиёт бўлиш зарур. Баҳоларни тартибга солиш эса талаб ва таклиф мувозанатига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш воситалари бир-бири билан боғлиқдир. Бунда бир соҳада қабул қилинаётган қарорни бошқа соҳаларга таъсирини, албатта, инобатга олмоқ зарурдир. Масалан, давлат харажатлар ва солиқ-ларга, яъни фискал сиёсатдаги ўзгартириш киритиши шунга мувофиқ пул массасидаги ўзгаришларни талаб этади. Фискал ва пул сиёсатидаги ўзгаришлар инвестицияларга, бандликка, ишлаб чиқариш ҳажмига, соф экспортга таъсир этади.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларини кузатиш мумкин:

- солиққа тортишда асосан, фискалликка эътибор берилиши;
- даромад солиқлари ставкаларини пасайтириш тенденцияси;
- истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- турли хил солиққа тортиш тартибларининг қўлланилиши;
- ресурс солиқлари аҳамиятининг ошириб бориш;

- эгри солиқлар улушининг кўпайиб бориши ва улар воситасида истеъмол даражасини бошқариш сиёсатининг олиб борилиши;
- бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ролининг кескин ошиши;
- солиқлар воситасида протекционизм сиёсати юритилишига катта эътибор берилиши ва бошқалар.

Республикамизда солиқ сиёсатини юритишда ижобий силжишлар билан бир қаторда бир қанча муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва фаоллигини оширишда солиқлардан етарли даражада самарали иқтисодий восита сифатида фойдаланмаслик;
- маҳсулот, иш, хизматлар нархларининг шаклланишида солиқлар нис-батан юқори рол ўйнаётганлиги;
- солиқ имтиёзларининг мукамал тақдим этилмаслиги оқибатида солиқдан қочиш ҳолларининг юз бериши ёки мавжуд имтиёзлардан иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш имкониятларининг чегараланганлиги;
- хусусий корхоналарда солиқ юкининг реал даражада пасайтириш имкониятларининг камлиги;
- солиқ базасини ва унинг элементларини сунъий равишда кенгайтиришга мойилликнинг сақланиши;
- солиққа тортиш тизимининг барқарор эмаслиги ва ўзгаришларнинг ниҳоятда кўплиги;
- солиқлар бўйича меъёрий ҳужжатларнинг юзага келаётган ҳолатларга тўлиқ жавоб бера олмаётганлиги;
- солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммо-ларнинг мавжудлиги;

- солиқларнинг йиғилувчанлиги билан боғлиқ муаммолар;
- солиқлар ва бошқа иқтисодий ҳамда маъмурий механизмлар орқали миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни яратмасдан туриб, протекционизм сиёсати олиб борилиши айрим салбий оқибатларга, шу жумладан, божхоналарда солиқлар, тўловларнинг бюджетга тўлиқ ундирилмай қолаётганлиги ҳолатларининг мавжудлиги;
- солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг нисбатан ривожланганлиги ва солиқ маданиятини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар;
- солиқ маъмурчилигининг (солиқ бошқарувининг) яхши ривожланмаганлиги ва бошқалардир.

Мамлакатимизда юритилган солиқ сиёсати асосан макроиқтисодий барқарорликни сақлашга қаратилди. Аммо, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида солиқ сиёсатини фақат макроиқтисодий сиёсатга боғлаш эмас, балки микродаражада тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратиш даркор. Зеро, микродаражада эришилган молиявий барқарорлик пировард натижада макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Маълумки, Ўзбекистонда «бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгарди. Давлат унинг ҳокимият бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашишдан четда бўлиши керак. Бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта рол ўйнайди. Давлатда фақат иқтисодий дастур ва рағбатлантириш вазифалари қолди. Иқтисодиётни тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг

бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади»¹ ва иқтисодий тартибга олувчи иккинчи восита бўлади.

Бозор шароитида солиқ функцияларининг аҳамияти ошади. Улар иқтисодий регуляторлар сифатида майдонга чиқади. Энг муҳими умумдават вазифаларини ҳал этиш учун кор-хона ва фуқаролар олган даромадларининг бир қисмини солиқ тўловлари сифатида олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш солиқлар фискал функциясининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Солиқларнинг қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида солиқлар тушишидан ҳосил бўладиган пул ресурсларининг давлат бюджети орқали олинган даромадлар бир қисмини давлат қайта тақсимлайди. Уларнинг бир қисмини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга, яна бир қисмини устувор тармоқларга, хусусан, инвестицияларга йўналтиради. Кўпгина мамлакатларда бюджет-дан каттагина маблағлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратилади.

Солиқ солишнинг қайта тақсимлаш функцияси нотўғри қўлланилган ҳолларда иқтисодий вазиятга ва бюджетга даромадлар келиб тушишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунончи, агар давлат кейинчалик бюджет орқали иқтисодий ва ижтимоий соҳа-ларни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида ўз қўлида молия ресурсларининг иложи борица катта ҳажмини жамлашга интилса, у солиқларни оширади ва бу билан уларнинг фискал функциясидан фаолроқ фойдаланади. Бироқ даромаднинг қанчалик кўп қисмини давлат солиқ сифатида олиб қолса, даромад ёки фойда олиш мақсадида фаол ишлаш учун рағбатлар шунчалик кам бўлади. Ҳаддан ташқари юқори солиқлар тадбиркорлар фаоллигини сусайтиради. Бу эса ўз-ўзидан улар даромадлари пасайишига ва бюджетга со-лиқ тўловлари сифатида келиб тушадиган маблағларнинг қисқаришига олиб келади. Бунда давлат солиқ солишнинг, бир томондан эркин иқтисодий фаолиятини

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т., «Ўзбекистон». 1992. 49 б.

ривожлантиришга тўсқинлик қилмайдиган, бошқа томондан, эса бюджетга маблағларнинг иложи борича кўп келиб тушишини таъминлайдиган ставкаларни белгилашдан манфаатдор бўлади.

Бюджет сиёсати иқтисодий сиёсатнинг ядроси ҳисобланади ҳамда ўзида жамият институтлари ва аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатларни яққол ифодалайди. Бюджет сиёсати, айтиш мумкинки, макроиқтисодий барқарорликнинг бош омилидир. Давлат бюджети сиёсатини юритишда икки дастакка эга, булар давлат даромадлари ва харажатларидир. Буларни бевосита ва билвосита усуллар деб аташ мумкин.

Бюджет-солиқ сиёсатининг билвосита усуллари бўлиб, солиқлар ва солиқсиз тўловлар орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш каби тадбирлар ҳисобланади. Солиқ ставкаларининг ўзгариши, солиқлар бўйича имтиёзлар яратиш ёхуд уларни бекор қилиш, турли хил тўловларни жорий қилиш каби билвосита усуллар орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатиш мумкин. Бунда солиқ тўловларининг моддий қизиқишлари бюджет сиёсатидаги ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Бюджет-солиқ сиёсатининг бевосита усуллари эса бюджетнинг харажатлар қисми орқали ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатиш киради. Тармоқларни молиялаштириш харажатлари миқдорини ўзгартириш, ночор корхоналарга дотациялар ажратиш, субвенциялар бериш, бюджет ссудаларини ажратиш, улар бўйича имтиёзлар жорий қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун кафолатлар бериш каби тадбирлар бюджет сиёсатининг тўғридан-тўғри усуллари ҳисобланади.

Мамлакатнинг бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат маблағларини тузилмавий қайта қуришни, иқтисодий мустақилликни ва охиروқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфратузилмасига мақсадли таъсир кўрсатишга йўналтиришдан иборат. Бу ерда бюджет сиёсат деганда давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва давлат харажатларини

рационализация қилиш учун солиқ олишни такомиллаштириш соҳасидаги сиёсати тушунилади.

Бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бюджет-солиқ сиёсатининг хусусияти шундан иборатки, у нафақат давлат-нинг даромадлар базасини таъминлаш ва келиб тушган пул маблағларини харажат қилиш, балки жамиятда макроиктисодий барқарорликни ҳамда инфляциянинг паст даражасини, аҳолининг оптимал бандлигини таъминлаши зарур.

Бюджет-солиқ сиёсати макроиктисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзга-ришларини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва босқичма-босқич валюта бозорини эркинлаштириш, аҳолининг барқарор моддий фаровонлигини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш каби умумдавлат макроиктисодий вазифаларни таъминлашга йўналтирилган. Бюджет-солиқ сиёсати амалиётда амалга ошириш нуктаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида тўғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг асосий вазифалари иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнининг паса-йиб кетишига йўл қўймаслик, яъни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун солиқ сиёсати соҳасида солиқ ставкаларини пасайтириш, янги инвестициялар учун солиқ имтиёзларини бериш, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимиз бюджет-солиқ сиёсатининг характерли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

– ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро боғланганлиги ва бир-бирини тўлдириши;

– бюджет-солиқ сиёсатининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий юксалишни рағбатлантиришга эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтириш;

– солиқ йиғимини оқилона усулда ташкил этиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини таъминлаш;

– бюджет харажатларини ижтимоий мақсадларга йўналтириш.

Бюджет-солиқ сиёсати давлат хазинаси билан солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ва бюджет харажатларининг энг мақбул тузилмаси ўртасидаги ўзаро нисбатнинг самарадорлигига эришиш имконини яратди. Ўз навбатида, даромадлар бўйича бюджетнинг барқарор ва тўла қонли ижроси бюджетда белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни таъминлайди. Макроиқтисодий жиҳатдан эса давлатнинг самарали бюджет сиёсати инвестиция иқлимини яхшилаш, молиявий барқарорлик, пул ва молия бозорлари ривожини, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва аҳолининг реал даромадлари ўсишига имкон беради.

Солиқ тадбирлари бюджет тадбирларини тўлдириб туради ва улар биргаликда талаб мажмуасини ривожлантиришга, натижада эса ишлаб чиқаришни ҳам ривожлантиришга олиб келади. Бюджет-солиқ сиёсати пул-кредит сиёсати каби давлатнинг яхлит тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ҳолатни кўтариш даврида давлат бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатида қарама-қарши тадбирларни мужассамлаштириб туриш сиёсатини ўтказди. Ушбу даврдаги бюджет-солиқ сиёсати солиқлар ставкасининг кўтарилиши, давлат харажатларининг қисқариши, амортизация сиёсатини ўтказиш доирасида чега-раланишлар билан характерланади.

2. Молиявий барқарорликни таъминлаш. Бунинг учун, энг аввало, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг асоси сифатида пул муомаласини барқарорлаштириш бўйича зарур чоралар кўриш даркор. Фақат барқарор пул тизими яратилган шароитда хўжалик механизмининг барча

катнашчилари ва ташкилий қисмлар ўртасида алоқалар ўрнатиш мумкин.

3. Инвестицион фаолликни ривожлантириш ва унинг миллий даромаддаги улушини кўпайтириш.

4. Бюджетнинг давлат дотациялари бўйича алоҳида моддий ишлаб чиқариш соҳаларига ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш. Харажатлар орқали бюджет, иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим дастаги бўлиб хизмат қилади.

5. Бюджетнинг даромад базасини, солиққа тортишни такомиллаштириш ва солиқларни тўлиқ тўланиши бўйича назоратни кучайтириш ҳисобига барқарорлаштириш. Солиқлар орқали корхоналар фаолиятини рағбатлантириш рақобатбардошликни оширади, каритал йиғилиши учун қулай шароит яратади. Бунда турли солиқлардан имтиёзлар берилиб, иқтисодий ривожланиш учун замин яратилади.

6. Давлат харажатларини мақсадли ва самарали ташкил қилиш бўйича молиявий назорат тизимини шакллантириш.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири бу бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдан иборат. Бунда асосий ўринни бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига эришиш масаласи эгаллайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида издан чиққан иқтисодиётни қайтадан қуриш, янги жамият бошқарув тизимини шакллантириш, аҳолини «ижтимоий ларзаларсиз» бозор муносабатларига мослаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш жуда катта маблағларни талаб этди. Лекин бу корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг ортиб кетишига, улар иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келди. Шунинг учун кейинги йилларда асосий эътибор бюджет-солиқ сиёсатининг фақат фискал томонинигина эмас, балки узоқ муддатли истиқболга эришиш мақсадида бюджет харажатлари таркибини қайтадан кўриб чиқиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини оширишга ҳам қаратилмоқда.

3.2. Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислохотлар

Жахон молиявий-иқтисодий инироз давом этаётган шароитида давлат бюджета даромадларини барқарор шакллантириш ва бунда солиққа тортишнинг самарали механизмларидан фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Давлат молиясини ривожланиш тарихида даромадлар тушумини реал прогнозлаштириш ва солиқларни ундириш механизми доимо бозор иқтисодиёти шароитларига мутаносиб равишда таҳлиллар асосида такомиллаштирилиб борилади.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор суъратлар билан усиши Давлат бюджетининг иқтисодиётни тартибга солишдаги аҳамиятини янада оширади. Давлат бюджета даромадларининг доимий усиш тенденциясига эга эканлиги уларни шакллантирувчи асосий манба солиқларнинг солиқ тўловчиларга нисбатан рағбатлантирувчи хусусиятини ошганлиги, аҳолининг реал даромадлари купайганлиги ва хужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати барқарорлиги билан ифодалаш мумкин.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бюджет амалиётида солиқ тушумларини прогнозлаштириш методикасини мукаммал деб баҳолаш прогнозлаштиришнинг асосий принциплари, аниқлик ва эҳтиёткорлик тамойиллари ўзида ифодамай олмайди.

Солиқлар тушумларини прогноз қилишда хужалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари буйича ҳисобланган якуний даромадлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг бош масаласи ва вазифаси солиқ сиёсати орқали аниқланади.

Бу орқали эса, режалаштирилган барча тарбир ва мажбуриятларни амалга ошириш учун зарур бўлган пул маблағи хажми ва уларнинг

манбаларини урганиш, даромадларнинг усиш имкониятларини аниклаш ва таҳлил килиш имконияти ошади.

Мамлакатимиз мустакилликка эришганидан сунг, ҳукумат томонидан катъий бюджет-солиқ, ва пул-кредит сиёсатлари амалга оширилди. Бу эса бозор иктисодиётига утиш даврида давлатнинг бош ислохдтчи сифатидаги ролини катта аҳамиятга эга эканлигини курсатади.

Мамлакатимиз иктисодиётида боскичма-боскич ислохатларни амалга ошириш ва уни эркинлаштириш, илгари давлат зиммасидаги булган бир канча вазифаларнинг хусусий секторга утказилиши Давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат тармоқларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иктисодиётидаги роли ва улушининг ортиши бюджет даромадларини бир неча баробар ошириш имконини берди.

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши курсаткичларининг усиши давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш амалиётини хдм такомиллаштириш заруриятини келтириб чикаради. Хусусан, ҳозирги вақтда бу борадаги куйидаги муаммолар мавжуд:

- Худудлар ёки мамлакат микёсида прогнозлаштириш методикасининг ҳукукий тартибга солинмаганлиги;
- Прогнозлаштириш учун зарурий ахбарот базасининг етарли даражада эмаслиги;
- Даромадлар тушумини прогнозлаштириш субъектларининг узаро маълумот алмашиш буйича ягона компьютер дастурнинг мавжуд эмаслиги;
- Иктисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш таҳлили билан шугулланувчи субъектларнинг худудлар доирасида фаолият юритмаслиги;
- Прогнозлаштириш борасида зарур ук;ув адабиётлари ва компьютер дастурий манбаларнинг камлиги ва бошқалар;

Бюджет даромадлар тушумини прогнозлаштириш амалиётини тамокиллаштириш йуналишлари сифатида куйидагиларни таъкидлаш жоиз, прогнозлаштиришнинг жахон тажрибасининг илгор стандартларига мос келиши, ҳудудлар даражаси бўйича даромадларни прогнозлаштириш ва тушумларни таҳлил қилишнинг тегишли макроиктисодий курсаткичлар, пул-кредит сиёсатининг натижалари ва аҳолининг реал даромадлари, асосий солиқ тўловчилар молиявий ҳолатлари билан мутаносиб келишини таъминлаши лозим.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги асосий йуналишларни белгилаб олдик:

- Бюджет даромадлар тушумини прогноз ҳисоб-китоби ва белгиланган режа курсаткичларининг бажарилишида юзага келадиган молиявий-иктисодий вазият ва солиқ қонунчилиги билан боғлиқ жараёнларда $y^{\text{заР}^o}$ боғлиқликни ошириш мақсадида ваколатли идораларнинг ҳамкорлигини ошириш ва узаро маълумот алмашиш имкониятларини ошириш;

- Ҳудудларнинг молиявий таъминланганлик коэффициенти, солиқ салоҳияти ва бюджет самарадорлигини баҳолаш (ҳудудларнинг ихтисослашган тармоқларини ривожланиш ҳолати, уларни модернизация қилишга бўлган талабини баҳолаш, меҳнат ҳақи тўлаш фондининг ҳолати, ҳудудларнинг табиий ресурс базасини, аҳолининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий хизматлар билан таъминланган даражаси, транспорт магистраллари билан таъминланганлиги, ижтимоий-иктисодий инфраструктура сифати, ҳудудий солиқ йигилувчанлиги даражаси, солиқ қарздорлигининг ўсиш/камаيш курсаткичлари ва бошқалар) орқали ҳудудларнинг ялпи даромадини, солиқ ва молиявий салоҳиятини ҳисоблашнинг ягона маълумотлар базасини ташкил қилиш;

- Ҳудудлар иқтисодиётининг ресурслар таркиби ва мол-мулки турларини кенгқамровли инвентартизация ўтказиш. Ҳудудий мулкдан

фойдаланишдан олинадиган ва ички эҳтиёжни кондиритишга қаратиладиган имкониятларни аниқлаш;

- Худудларнинг иқтисодий ўсишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тушумлари ҳажмини прогноз қилиш. Бу маълумотлар барча даражадаги бюджетларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу курсаткичларда худудларнинг бюджет субвенция ва трансферт молиялаштириш ресурсларга бўлган талаблари анча аниқ акс этади. худудларнинг солиқ потенциалини билиш солиққа тортишнинг имтиёзли режимини аниқ шакллантириш имкониятини яратади;

- Даромадлар тушумини прогнозлаштиришнинг илгор тажрибаларига асосланган методларни амалиётга жорий қилиш. Хусусан, солиқ тушумларини прогнозлаштиришда корреляцион-регрессион, яъни солиқ тушумларига таъсир курсатувчи омиллар ўрнини баҳолаш орқали прогнозлаштириш ва турли методлар ёрдамида таққослаш;

- Ғазначилик органларида давлат бюджети даромадларининг уз вақтида

- касса ижроси таъминлаш учун даромадлари тушумини кунлик кассали

- режалаштириш механизмининг жорий этиш. Бунда, давлат бюджети харажатлари тўловини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни кутилаётган даромадлар тушумини эътиборга олиб, қўшимча ресурслар миқдорини тезкор ҳисоблаш мумкин;

- Солиқ тушумларини прогноз қилиш ва даромадлар ижросининг бажаришда қатнашувчи барча молия, солиқ, тижорат банклари ва статистика органлари ўз дастурий мажмуаларига эга бўлиб, ушбу дастурларда ўзаро маълумот юбориш пунктини яратиш, бунда даромадлар тушуми бўйича тезкор ва аниқ маълумот олиш имконияти яратилади;

- Солиқ даромадлари истиқболининг белгилаш ўрта муддатли молиявий сиёсат тамойилига асосланиши (иқтисодиётнинг барча тармоқ ва

соҳалари хусусий сектор, бюджет, ташқи иқтисодий фаолият ва аҳолининг режалаштирилаётган молиявий ресурслар тахмини);

Бюджет-солиқ сиёсатида ҳудудлар ривожланишини прогноз қилиш ва баҳолаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, бунда давлат ва корпоратив манфаатлар узаро кесишади. Давлат учун ҳудудлар молиявий базасини мустаҳкам бўлиш қайта таксимлаш жараёнини оптималлаштиришга, пул оқимларининг ҳаракати камайишига, ижтимоий-иқтисодий қарама-қаршилиқни бартараф этишга имконият беради.

Маҳаллий бюджет даромадларини режалаштиришда ҳудудларнинг солиқларни йиғиш имкониятини тўғри белгилаш зарур. Маҳаллий бюджетларни даромадлар режасини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилмаслиги натижасида тушмай қолган даромадлар ўрни фақат юқори бюджетдан бериладиган трансфертлар ҳисобига қопланиши лозим. Умумда давлат солиқларидан ажратмалар фоизи ҳеч бўлмаганда бир неча йилга ўзгармас бўлиши маҳаллий ҳокимиятларни органларининг ушбу солиқлардан тушадиган даромадларини кўпайтириб боришдаги манфаатдорлиги оширилади. Бунда молия ва солиқ органларининг фаолияти ҳуқуқларини кенгайтириш лозим.

Давлат бюджети даромадлар тушумини прогнозлаштириш амалиётини такомиллаштириш тўғрисидаги фикрларимизга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур мақсадларга бевосита маъсул раҳбар ходимларнинг эътибори ва билим савияси, тахлилий маълумотларнинг аниқ ва реаллиги, ваколатли ташкилотларнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги натижасида эришиш мумкин.

III боб бўйича хулоса.

Бюджет-солиқ сиёсати макроиқтисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва босқичма-босқич валюта бозорини эркинлаштириш,

аҳолининг барқарор моддий фаровонлигини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш каби умумдавлат макроиқтисодий вазифаларни таъминлашга йўналтирилган. Бюджет-солиқ сиёсати амалиётида амалга ошириш нуқтаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида тўғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида босқичма-босқич ислохотларни амалга ошириш ва уни эркинлаштириш, илгари давлат зиммасидаги булган бир канча вазифаларнинг хусусий секторга утказилиши Давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат тармоқларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустахкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши бюджет даромадларини бир неча баробар ошириш имконини берди.

ХУЛОСА

Республикамизда олиб борилаётган мустақил иқтисодий сиёсат халқимиз учун тараққиётнинг янги қирраларини очиб бермоқда. Яқин-яқинларда тасаввур қила олмаган ҳодисаларимиз ҳозирги кунда одатий бир воқеаликка айланиб бормоқда. Булар жумласига мамлакатимиз давлат молиясининг марказий бўғинида туб ўзгаришларни амалга оширилишини ёрқин мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлиги ва миллий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш, республикага чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда унинг халқаро молия-бюджет-солиқ муносабатларида тенг мавқеини таъминлаш каби долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш, ҳам бюджет сиёсатини такомиллаштириш ва бюджет тизимини ривожлантиришга боғлиқдир. Бинобарин, ҳар қандай мамлакатда оқилона юритилган бюджет сиёсати мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қиладиган бюджет-солиқ тизимининг такомиллашувига олиб келади.

Магистрлик диссертациясида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

- Давлат бюджети давлатнинг йирик марказлашган пул фонди бўлиб, унинг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги ролининг ошиши давлатнинг умумижтимоий ва умумиқтисодий харажатлари хажмининг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади;

- Давлат бюджети иқтисодиётни самарали тартибга солиш воситаси бўлиб, зарур молиявий ресурслар хажми ва уни шакллантиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда солиқлар ёрдамида юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаоллигини тартибга солиш орқали иқтисодий мувозанатни таъминламоқда;

- Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши солиқ ва солиқсиз манбалардан ташкил топади ва ҳозирда бюджет даромадларининг 90 фоиздан ортиғи солиқ тушумлари ҳисобига шаклланмокда. Солиқ тушумларининг асосий салмокли улуши эгри солиқлар ҳиссасига тўғри келмокда;

- Давлат бюджети даромадларининг қай тарзда ва қай даражада шаклланганлиги унинг жамият ҳаётидаги ролини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Шу боисдан ҳам давлат бюджетининг даромад базасини мустаҳкамлаш масаласи ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини таҳлил қилиш натижалари ҳозирги даврда эгри солиқлар бўйича тушум суммаси бюджет даромадларининг таркибида нисбатан юқори салмоқни эгаллашини кўрсатди. Бунинг асосий сабаби шундаки, эгри солиқлар соф фискаллик характериға эға бўлиб, маҳсулотларнинг баҳосида ҳисобға олинганлиги сабабли тўғри солиқларға нисбатан барқарор тушумға эғадир;

Ўзбекистондаги бюджет-солиқ сиёсатининг характерли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

– ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро боғланганлиги ва бир-бирини тўлдириши;

– бюджет-солиқ сиёсатининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий юксалишни рағбатлантиришға эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашға йўналтириш;

– солиқ йиғимини оқилонга усулда ташкил этиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини таъминлаш;

– бюджет харажатларини ижтимоий мақсадларға йўналтириш.

- Давлат бюджети даромадларининг қай тарзда ва қай даражада шаклланганлиги унинг жамият ҳаётидаги ролини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Шу боис, бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади;

- бюджет-солиқ сиёсати мамлакат молия тизими самарали фаолиятининг гарови ҳисобланади. Мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда бюджет-солиқ муносабатларининг қандай асосга таянаётганлиги жуда муҳимдир. Бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигига эришиш мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, самарали бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади;

- хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган барча солиқлар уларнинг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг инвестицион харажатларнинг молиялаштириш имконини пасайтиради. Корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ бўйича солиққа тортиш базаси нафақат ишлаб чиқариш хўжалик харажатлари суммасига, балки олдиндан тўланган солиқлар суммасига ҳам камаяди. Солиққа тортишнинг бундай тартиби олдиндан тўланган солиқлардан бири бўйича солиқ ставкасининг оширилиши фойда солиғи базасининг камайишига ва бунинг оқибатида корхонанинг соф фойдаси миқдорининг пасайишига сабаб бўлади.

Юқорида зикр этилган хулосаларга таянган ҳолда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган илмий **таклиф ва амалий тавсияларнинг** асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини бюджет харажатларига зарар етказмасдан босқичма-босқич бевосита солиқлар ҳисобидан камайитириб бориш лозим. Бу жараён такрор ишлаб чиқаришни тезлаштириб, янги иш ўринларини вужудга келтиради ва бандлик даражасини оширади.

2. Бюджетга зарур маблағларни барқарор ва бир текисда ундирилишини таъминлайдиган оптимал бевосита ва билвосита солиққа тортиш тизими - такомиллашган солиқ тизими сифатида баҳоланиши лозим.

3. Бевосита ва билвосита солиққа тортишни оптималлаштириш билан фойда ва даромадлардан солиқ ундиришни такомиллаштирган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар молиявий фаолиятини мустаҳкамлаш ва солиққа тортиладиган даромадларни кенгайтириш ҳамда бевосита солиқлар тушумини ўсишига эришиш зарур.

4. Давлат бюджетига тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг ички солиқ назоратини кучайтириш, давлат солиқ назоратини такомиллаштириш ва умумдавлат солиқларини асосий тўловчилар ҳисобланган корхоналар фаолиятини жойларда текширишнинг самарадорлигини ошириш.

5. Хўжалик субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган амортизация ажратмаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. РАСМИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қонуни. – Тошкент, 2013 й. 26 декабр.
3. “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида” ги қонуни. – Тошкент, 2007. 25 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. // Халқ сўзи, 1998 йил 3 январ.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 26 июн Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. -Т.: Адолат, 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 5 октябрдаги Фармони. // “Банк ахборотномаси” газетаси, 2005 йил 12 октябр, 41-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги Фармони. // “Тошкент ҳақиқати” газетаси, 2005 йил 25 июн, 51-сон.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш

тўғрисида»ги Қарори. // Ишонч, 2000 йил 14 март.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори. // Солиқлар ва божхона хабарлари, 30-31 сонлар, 2001 йил 31 июл, 4 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 сентябр 1999 йилдаги «Бюджетдан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 414-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 26 ноябр 1999 йилдаги «Бюджет ташкилотлари томонидан фойдаланилмаётган давлат мулкани бошқа корхона ва ташкилотларга вақтинчалик ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги 88-сонли Низоми.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 9 декабр 1999 йилдаги «Молия вазирлиги ва молия органларида бюджет ташкилотлари харажатлари сметаси ва штат жадвалини рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақида»ги 93-сонли Низоми.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТ

II.A.КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ ВА МАЪРУЗАЛАРИ

13. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – 296 б.

14. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

15. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007.– 200 б.

16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон,

2009. – 56 б.

17. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440-б.

18. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 48б.

19. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.–Т.:Ўзбекистон, 2011.-48б.

20. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36б.

21. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь, №13 (5943).

22. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. «Ўзбекистон». Т.: 2015 й. 76 б.

III. КИТОБ ВА ТУРКУМ НАШРЛАР

23. Вахобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. – Т.: Молия, 2001. – 174 б.

24. Вахобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. – Т.: Молия, 2002. – 239 с.

25. Гизатуллин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. – Уфа: Институт экономики УрО РАН, 1997. – 48 с.
26. Верхолаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов. – Белград, Искра, 1997. – 91 с.
27. Дадашев А.З., Павлова Л.П., Черник Д.Г. Налоги и налогообложение. – М.: ИНФРА-М, 2003. – 345 с.
28. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. – М.: Московский Центр Карнеги, 2001. – 158 с.
29. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – М.: Дело ЛТД, 1998. – 164 с.
30. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224 б.
31. Завалишина И.А. Налогообложения. The Pragma Corporation Enterprise Development Project. – Т. – 2003. – 259 с.
32. Кейнс Д.М. Объяя теория занятости, процента и денег. – М.: Прогресс, 1978. – 365 б.
33. Ковалева А.М. Финансы. Учебное пособие для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 280 с.
34. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Т.: Шарқ, 1999. – 137 б.
35. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. – Т.: Шарқ, 1997. – 64 б.
36. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 279 б.
37. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 235б.
38. Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. –

4726.

39. Пансков В.Г., Князев В.Г. Налоги и налогообложение. – М.: МЦФЭР, 2003. – 296 с.

40. Прокопчук Л.О., Козырева А.А. Стратегическое планирование: конспект лекций. – СПб: Изд. Михайлова В.А., 2000. – 64 с.

41. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. Под редакцией В.К.Сенчагова и А.И.Архипова. – Москва: Проспект, 1999. – 545 с.

42. Романов А.Н., Башкатова Т.А., Поляк Г.Б. Налоги и налогообложение. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 256 с.

43. Финансы: Уч. для вузов. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской, Б.М. Сабанти. – М.: Юрайт, 2000. – 520 с.

44. Паскачев А.Б., Садыгов Ф.К., Мишин В.И., Саакян Р.А. и др. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и практика. Под ред. Ф.К.Садыгова. – М.: Экономико-правовой литературы, 2004. – 232 с.

45. Пелих А.С. Методы анализа, планирования и управления: учебное пособие. – Ростов-на-Дону: РГЭА, 1997. – 222 стр.

46. Петросов А.А. Стратегическое планирование и прогнозирование. – М.: МГТУ, 2001. – 318 с.

47. Родионова В.М. Финансы. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 432 с.

48. Совершенствование бюджетного регулирования в России: Сб. науч. трудов. Под ред. д.э.н., проф. А.Е. Карлика. – СПб.: Шанс, 1997. – 118 с.

49. Тангиркулов А. ва б. Солиқ қарзи ва уни ундириш. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти. – 2010. – 168 бет.

50. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.

51. Финансы: Уч. для вузов. Под ред. Л.А. Дробозиной. – М.: ЮНИТИ, 1999. – 560 с.

52. Христенко В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: опыт, проблемы, перспективы. – М.: Дело, 2002.

– 608 с.

53. Эрист Джонс. Деловые финансы. – М.: Диалог, 1998. – 450 с.
54. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 432 с.
55. Финансы, налоги и кредит : Учебник/ А.М.Емельянов И.Д.
56. Налоги и налогообложение / Ред. Г.Б.Поляк; Ред. А.Н.Романов; Всероссийский заочный финансово-экономич. ин-т. -М: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. -399 с.
57. Финансы : Учебник. 2-е изд., перераб. и доп./ Ред. В.В.Ковалев. -М: ТК Велби, Изд-во Проспект; М.: ТК Велби, Изд-во ПРОСПЕКТ, 2004,2006. - 634 с.
58. Вылкова Е.С. Налоговое планирование : Метология. Оптимизация налогообложения. Налоговый менеджмент/ Е.С.Вылкова, М.В.Романовский. -СПб: Питер, 2004. -634 с.: ил. -("Учебники для вузов").
59. Соколов А.А. Теория налогов/ А.А.Соколов. -М: ООО"ЮрИнфоР-Пресс", 2003. -506 с. -(Серия "Научное наследие").
60. Афанасьев Мст. Основы бюджетной системы : Учеб. пособие/ Мст.Афанасьев. -М.: ГУ ВШЭ, 2004. -243 с.
61. Аронов А.В. Налоги и налогообложение : учеб. пособие/ А.В.Аронов, В.А.Кашин. -М.: Магистр, 2007. -576 с.
62. Майбуров И.А. Теория и история налогообложения : учебник/ И.А.Майбуров. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -495 с.
63. Налоги и налогообложение : учебник/ Под ред. М. В. Романовского, О.В. Врублевской . -6-е изд., доп.. -СПб.: Питер, 2009. -528 с.: ил. -(Учебник для вузов).
64. Скрипниченко В.А. Налоги и налогообложение : учебное пособие / В.А.Скрипниченко. -СПб.: Питер, 2008. -496 с
65. Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение : учебное пособие/ Е.Н.Евстигнеев. -5-е изд. (+CD с мультимедийным учебным курсом). -СПб.:

Питер, 2008. -304 с.

66. Лаптев С. В. Основы теории государственных финансов : учеб. пособие/ С. В.Лаптев. -2-е изд., перераб. и доп.. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - 240 с.

4. ДИССЕРТАЦИЯ ВА ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

67. Кобулов Х.А. Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: И.ф.н. илмий даражаси учун дисс. автореферати. Т.: БМА, 2006., 6-8-бетлар.

68. Тошмуродова Б.И. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент: Банк-молия академияси, 2007.

5. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

69. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.

70. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

71. www.cb.uz- Ўзбекистон Республика Марказий банки сайти.

72. www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.

73. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.